# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI DIREKTORINING
# BUYRUG‘I

20 23 y. “ 31 ” yanvar №01-10/16

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi yoshlar siyosati va sport vazirining 2023-yil 31-yanvardagi 01/70-A/F-son buyrug‘i ijrosini ta’minlash to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi yoshlar siyosati va sport vazirining 2023-yil 31-yanvardagi 01/70-A/F-son buyrug‘i ijrosini o‘z vaqtida va sifatli bajarish maqsadida

**B U Y U R A M AN:**

**1.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari faoliyatini samarali yo‘lga qo‘yishga doir birinchi navbatdagi tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida” 2023-yil 25-yanvardagi PF–14-son Farmoni (keyingi o‘rinlarda – Farmon) hamda O‘zbekiston Respublikasi yoshlar siyosati va sport vazirining 2023-yil 31-yanvardagi 01/70-A/F-son buyrug‘i (keyingi o‘rinlarda – Buyruq) ma’lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

**2.** Farmon bilan:

Yoshlar ishlari agentligi (keyingi o‘rinlarda – Agentlik) markaziy apparati, Agentlikning Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari hamda tuman (shahar) bo‘limlarining (keyingi o‘rinlarda – hududiy bo‘linmalar) **jami boshqaruv xodimlarining umumiy cheklangan soni 990 nafar** etib belgilanganligi (mahalladagi yoshlar yetakchilari bundan mustasno);

2023-yil 1-martdan boshlab yig‘ilish va videoselektor bayonlari, xizmat yozishmalari, tahliliy va boshqa materiallarda (qonunlar hamda boshqa normativ-huquqiy hujjatlar loyihalarining qaror qismlari bundan mustasno) Agentlikning qisqartma nomlarini ko‘rsatish amaliyoti joriy qilinganligi;

respublika ijro etuvchi hokimiyat organlari – vazirliklar, qo‘mitalar, agentliklar va inspeksiyalarda tarkibiy bo‘linmalarni shakllantirish hamda lavozimlarni joriy etishga oid yagona talablar tasdiqlanganligi;

Agentlikning markaziy apparati va hududiy bo'linmalari xodimlari uchun mehnatga haq to'lash razryadlari tegishlicha O'zbekiston Respublikasi Yoshlar siyosati va sport vazirligi markaziy apparati va hududiy bo'linmalari xodimlari uchun belgilangan mehnatga haq to'lash razryadlaridan bir pog'ona past miqdorda qo'llanilishi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

**3.** Buyruq bilan:

O'zbekiston Respublikasi Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparati, Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar boshqarmalari hamda tuman (shahar) bo'limlarining vaqtinchlik tuzilmasi, shtat birliklari va nizomlari;

Yoshlar ishlari agentligi rahbariyatining vaqtinchalik vazifa va funksiyalari taqsimoti tasdiqlanganligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

**4.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining birinchi o'rinbosari (J.Xodjayev) va o'rinbosarlari (F.Ablayarov, D.Kattaxanova) buyruqning 7a-ilovasi bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi rahbariyatining vaqtinchalik vazifa va funksiyalari taqsimotini o'z vaqtida, to'liq va sifatli bajarib borilishini ta'minlasin.

**5.** Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparati va hududiy boshqarmalarida shtat birliklarini maqbullashtirish komissiyalari (keyingi o'rinlarda – komissiyalar) tuzilsin.

Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparatidagi shtat birliklarini maqbullashtirish komissiyasi tarkibi **1-ilova**ga muvofiq tasdiqlansin.

**6.** Komissiyalarning vazifalari etib quyidagilar belgilansin:

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 103-moddasi talablariga muvofiq xodimlar soni (shtati) qisqarishi munosabati bilan tegishlicha Agentlik markaziy apparati va hududiy bo'linmalari xodimlarini ishda qoldirish yoki ular bilan tuzilgan mehnat shartnomasini bekor qilish masalalarini o'rganish;

o'rganish natijalari bo'yicha ishda qoldiriladigan va mehnat shartnomasi bekor qilinadigan xodimlar ro'yxatini tasdiqlash uchun rahbarga kiritish.

**7.** Yoshlar ishlari agentligi:

**a)** Inson resurslarini rivojlantirish bo'limi (A.Muminov)ga:

**ikki kun muddatda** Agentlik markaziy apparatidagi shtat birliklari soni qisqarishi munosabati bilan mehnat shartnomasi bekor qilinadigan xodimlarga ular bilan tuzilgan mehnat shartnomasi kelgusida bekor qilinishi haqida belgilangan tartibda ogohlantirish berish;

**ikki kun muddatda** ishda qoldiriladigan xodimlarni lavozimga tayinlash to'g'risidagi buyruqlarni va mehnat shartnomalarini o'zgartirish to'g'risidagi qo'shimcha kelishuvlarni imzoga kiritish;

**2023-yil 15-fevralga qadar** Agentlikning markaziy apparati tarkibiy tuzilmalari bilan birgalikda buyruqqa muvofiq tarkibiy bo'linmalarning nizomlari hamda

Agentlikning markaziy apparati va hududiy bo'linmalari xodimlarining lavozim yo'riqnomalarini tasdiqlash uchun kiritish;

**uch kun muddatda** Agentlikning hududiy bo'linmalari boshliqlari bilan birgalikda xodimlar soni (shtati) qisqarishi munosabati bilan mehnat shartnomasi bekor qilinadigan xodimlarni tizimdagi vakant lavozimlarga hamda boshqa ishga joylashtirish bo'yicha takliflarni Agentlik direktoriga kiritish;

**b)** Moliya-iqtisod bo'limi (D.Ubaydullayev)ga:

**ikki kun muddatda** buyruqning 4 va 10-ilovalariga asosan Agentlik markaziy apparati tuzilmasi hamda shtat birliklari asosida (shtat birliklari qisqartirilishi natijasida xodimlar bilan oylik ish haqlari bo'yicha yakuniy o'zaro hisob-kitoblar hamda boshqaruv xodimlarining umumiy cheklangan soniga texnik va xizmat ko'rsatuvchi xodimlar sonining belgilangan me'yorlarini inobatga olgan holda) xodimlarning shtatlar jadvalini belgilangan tartibda tasdiqlab, ro'yxatdan o'tkazish uchun Iqtisodiyot va moliya vazirligiga kiritish;

ish haqi va boshqa xarajatlarni vaqtinchalik xarajatlar smetasi doirasida amalga oshirish;

shtat birligi qisqarishi munosabati bilan mehnat shartnomasi bekor qilinadigan xodimlar bilan qonunchilik hujjatlariga muvofiq tegishli hisob-kitoblarni amalga oshirish vazifalari yuklatilsin.

**8.** Yoshlar ishlari agentligi hududiy bo'linmalari boshliqlari:

**ikki kun muddatda** Komissiyalar tomonidan tuzilib, tasdiqlangan ro'yxatlarga muvofiq tegishli hududiy boshqarmalar va tuman (shahar) bo'limlaridagi shtat birliklari soni qisqarishi munosabati bilan mehnat shartnomasi bekor qilinadigan xodimlarga ular bilan tuzilgan mehnat shartnomasi kelgusida bekor qilinishi haqida ish beruvchi imzosi bilan belgilangan tartibda ogohlantirish bersin. Bunda, homilador ayollar va uch yoshga to'lmagan bolasi bor ayollar bilan tuzilgan mehnat shartnomasini xodimlar shtati qisqarishi sababli ish beruvchining tashabbusi bilan bekor qilishga yo'l qo'yilmasligi, shuningdek, Mehnat kodeksining $247^1$-moddasida belgilangan xodimlarni ishdan ish beruvchining tashabbusiga ko'ra bekor qilinganida ish beruvchi bu haqda mahalliy mehnat organini xabardor qilishi shartligi inobatga olinsin;

xodimlar soni (shtati) qisqarishi munosabati bilan mehnat shartnomasi bekor qilinadigan xodimlarni tizimdagi vakant lavozimlarga hamda boshqa ishga joylashtirish choralarini ko'rsin;

buyruqning 5, 6, 11, 12-ilovalariga asosan Agentlikning hududiy bo'linmalarining vaqtinchalik tuzilmalari hamda shtat birliklari asosida (shtat birliklari qisqartirilishi natijasida xodimlar bilan oylik ish haqlari bo'yicha yakuniy o'zaro hisob-kitoblar hamda boshqaruv xodimlarining umumiy cheklangan soniga texnik va xizmat ko'rsatuvchi xodimlar sonining belgilangan me'yorlarini inobatga olgan holda) xodimlarning shtatlar jadvalini belgilangan tartibda tasdiqlab, ro'yxatdan o'tkazish uchun Iqtisodiyot va moliya vazirligining tegishli hududiy bo'linmalariga kiritsin;

**ikki kun muddatda** buyruqqa 16, 17-ilovalarga muvofiq Agentlikning tegishli hududiy bo'linmalarining vaqtinchalik namunaviy nizomlarini tasdiqlash uchun kiritsin. Bunda, hududiy boshqarmalarning vaqtinchalik nizomlari Agentlik direktori, tuman (shahar) bo'limlarining vaqtinchalik nizomlari hududiy boshqarmalar boshliqlari tomonidan tasdiqlanadi;

shtat birligi qisqarishi munosabati bilan mehnat shartnomasi bekor qilinadigan xodimlar bilan qonunchilik hujjatlariga muvofiq tegishli hisob-kitoblarni amalga oshirsin.

**9.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining ayrim buyruqlari **2-ilova**ga muvofiq o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

**10.** Mazkur buyruq ijrosini nazorat qilishni o'z zimmamda qoldiraman.

**Direktor** **A. Sa'dullayev**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR ISHLARI AGENTLIGI

Yoshlar ishlari agentligi direktorining
2023-yil 31-yanvardagi
01-10/16 -son buyrug‘iga
1-ilova

**Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparatidagi shtat birliklarini maqbullashtirish komissiyasi**
**TARKIBI**

1. J.Xodjayev – Yoshlar ishlari agentligi direktorining birinchi o‘rinbosari, Komissiya raisi

2. F.Ablayarov – Yoshlar ishlari agentligi direktori o‘rinbosari

3. D.Kattaxanova – Yoshlar ishlari agentligi direktori o‘rinbosari

4. A.Alimov – Yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning huquqiy savodxonligini oshirish bo‘limi boshlig‘i

5. S.Abdunazarov – Axborot-tahlil va ijro nazorati bo‘limi boshlig‘i

Yoshlar ishlari agentligi direktorining
2023-yil 31-yanvardagi
01-10/16-son buyrug'iga
2-ilova

**Yoshlar ishlari agentligi direktorining o'z kuchini yo'qotgan deb topilayotgan buyruqlari**
**RO'YXATI**

**1.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 11-sentabrdagi 550-son qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida" 2020-yil 17-sentabrdagi 01-10/13-son buyrug'i.

**2.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi hududiy boshqarmalari faoliyatini tartibga soluvchi nizomlarni tasdiqlash to'g'risida" 2020-yil 30-oktabrdagi 01-10/37-son buyrug'i.

**3.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligiga xodimlarni ishga qabul qilish, malakasini oshirish va qayta tayyorlash, stajirovka o'tash tartibi to'g'risida nizomni tasdiqlash haqida" 2020-yil 21-dekabrdagi 01-10/73-son buyrug'i.

**4.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparati xodimlarining lavozim yo'riqnomalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida" 2021-yil 30-dekabrdagi 01-10/251-son buyrug'i.

**5.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi tuman (shahar) bo'limi to'g'risidagi namunaviy nizomni tasdiqlash haqida" 2022-yil 19-yanvardagi 01-10/09-son buyrug'i.

**6.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2022-yil 19-yanvardagi PQ-92-son qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida" 2022-yil 20-yanvardagi 01-10/13-son buyrug'ining 3-bandi ikkinchi – yettinchi xatboshilari hamda buyruqqa 1–6-ilovalar.

**7.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi davlat budjeti xarajatlarining samaradorligini yanada oshirish va davlat moliyaviy nazorati organlari faoliyatini takomillashtirish to'g'risida" 2022-yil 14-fevraldagi PQ-128-son qarori ijrosini ta'minlash to'g'risida" 2022-yil 16-fevraldagi 01-10/36-son buyrug'i.

**8.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparati tarkibiy tuzilmalari faoliyatini tartibga soluvchi nizomlar hamda Agentlik markaziy apparati va hududiy bo'linmalari xodimlarining lavozim yo'riqnomalarini tasdiqlash to'g'risida" 2022-yil 22-apreldagi 01-10/113-son buyrug'i.

**9.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining "O'zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparati va hududiy bo'linmalari tuzilmasiga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida" 2022-yil 8-iyundagi 01-10/175-son buyrug'i.

**10.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-iyundagi 312-son qarori ijrosini ta’minlash haqida” 2022-yil 10-iyundagi 01-10/182-son buyrug‘ining 7-bandi va buyruqqa 2-ilova.

**11.** Yoshlar ishlari agentligi direktorining “O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar ishlari agentligi markaziy apparati tarkibiy tuzilmalari faoliyatini tartibga soluvchi nizomlar hamda Agentlik markaziy apparati va hududiy bo‘linmalari xodimlarining lavozim yo‘riqnomalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqqa o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida” 2022-yil 24-avgustdagi 01-10/263-son buyrug‘i.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOSHLAR SIYOSATI VA SPORT VAZIRINING BUYRUG‘I**

31«yanvar»2023 yil. **01/70-A/F-son**

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда унинг таркибий тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи айрим ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Мазкур Фармонга мувофиқ, республика ижро этувчи ҳокимият органлари – вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар ҳамда уларнинг ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг жами бошқарув ходимларини мақбуллаштириш доирасида Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тизимидаги бошқарув ходимлари бўйича штат бирликлари **670 та**дан **469 та** (30 фоиз)га ва Ёшлар ишлари агентлиги тизимидаги штат бирликлари **1 414 та**дан **990 та** (30 фоиз)га **қисқарганлиги** инобатга олинсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг **вақтинчалик тузилмалари 1-3-иловалар**га;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати, Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг **вақтинчалик тузилмалари 4-6-иловалар**га мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Қуйидагилар:

**а)** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги раҳбариятининг **вақтинчалик вазифа ва функциялари тақсимоти 7-илова**га;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги раҳбариятининг **вақтинчалик вазифа ва функциялари тақсимоти 7а-илова**га;

**б)** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг **вақтинчалик штат бирликлари 8-9-иловалар**га;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати, Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимларининг **вақтинчалик штат бирликлари 10-12-иловалар**га;

**в)** Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тўғрисидаги **вақтинчалик низом 13-илова**га, Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари тўғрисидаги **вақтинчалик намунавий низом 14-илова**га;

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги **вақтинчалик низом 15-илова**га, Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари тўғрисидаги **вақтинчалик намунавий низом 16-17-иловалар**га мувофиқ тасдиқлансин.

**4.** Мазкур буйруқ тасдиқланиши муносабати билан туман (шаҳар) **спортни ривожлантириш бўлимлари фаолияти тугатилаётганлиги** инобатга олинсин.

**5.** Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бошқармаларига:

**а)** **икки кун муддатда** мазкур буйруқнинг **8-9-иловалари** билан тасдиқланган штат бирликларига мувофиқ тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимларининг **вақтинчалик штатлар жадвалини** тасдиқлаш;

**б)** **уч кун муддатда** мазкур буйруқнинг **14-илова**си билан тасдиқланган вақтинчалик намунавий низомга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари тўғрисидаги **вақтинчалик низомлари**ни ишлаб чиқиш ҳамда низом лойиҳасини тегишлилиги бўйича Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигига тасдиқлаш учун киритиш;

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: QX85276384

**в)** **уч кун муддатда** қисқартирилаётган штат бирликларида фаолият юритаётган ходимларни авваламбор тизимдаги вакант лавозимларга ҳамда бошқа ишга жойлаштириш бўйича таклифларни Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига тақдим этиш;

**г)** тизимдаги вакант лавозимларга **ишга жойлашишга розилик билдирмаган** (энг кечи билан 10 февралга қадар) ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 100-моддаси, иккинчи қисми, 1-бандига асосан улар билан тузилган меҳнат шартномалари **икки ойдан сўнг бекор қилиниши** тўғрисида огоҳлантириш хатларини бериш вазифалари юклатилсин.

**6.** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг Инсон ресурсларини ривожлантириш бўлимига:

**икки кун муддатда** вазирлик Марказий аппарати таркибий тузилмалари ҳамда худудий бош бошқармалари бошлиқларига номзодлар бўйича таклиф киритиш;

**уч кун муддатда** мазкур буйруқнинг **1-иловаси**га мувофиқ вазирлик марказий аппаратининг тузилмаси бўйича мақбуллаштирилаётган штат бирликлари ва бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 100-моддаси, иккинчи қисми, 1-бандига асосан улар билан тузилган меҳнат шартномалари **икки ойдан сўнг бекор қилиниши** тўғрисида **огоҳлантириш хатлари**ни бериш;

қисқартирилаётган штат бирликларида фаолият юритаётган ходимларни авваламбор тизимдаги вакант лавозимларга ҳамда бошқа ишга жойлаштириш бўйича ҳудудлар томонидан берилган таклифларни умумлаштириш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳар бир ҳудудга вазир ўринбосарлари ва Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосарларини **бириктириш режа-графигини тасдиққа киритиш** вазифалари юклатилсин.

**7.** Мазкур буйруқда белгиланган топшириқлар ижроси тўлиқ бажарилгунга қадар, уларнинг ижроси юзасидан 2023 йил 1 февралдан бошлаб ҳар куни ҳудудий бошқармалар иштирокида муҳокама йиғилишлари ўтказилсин ва натижалари юзасидан ахборот бериб борилсин.

**8.** Девонхонага:

**а)** мазкур буйруқ билан вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимларини таништириш;

**б)** ушбу буйруқ нусхасини Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларига ҳамда Ёшлар ишлари агентлигига юбориш вазифалари юклатилсин.

**9.** Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **А.Икрамов**

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил 31 январдаги 01/70 - А/F-сонли
буйруғига 1-илова

# Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг вақтинчалик тузилмаси




*Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – **118** нафар (Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппаратининг **21 та** штат бирликлари вазирликка ўтказилмоқда).*

*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.*

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил 31 январдаги 01/70 - А/F-сонли
буйруғига 2-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг вақтинчалик тузилмаси




*Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – **29** нафар;*

*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.*

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил 31 январдаги 01/70 - А/F-сонли
буйруғига 3-илова

## Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг вақтинчалик тузилмаси




*Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – **22-33** нафар;*
*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.*

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил 31 январдаги 01/70 - А/F-сонли
буйруғига 4-илова

# Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг вақтинчалик тузилмаси




Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – **57 нафар.**

*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.*

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил 31 январдаги 01/70 - А/F-сонли
буйруғига 5-илова

## Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари вақтинчалик тузилмаси




*Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 13 штат бирлиги, жами — 182 штат бирлиги.*
*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ўрнатилган меъёрларга мувофиқ белгиланади.*

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил 31 январдаги 01/70 - А/Ғ-сонли
буйруғига 6-илова

## Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари вақтинчалик тузилмаси




*Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 3,5 - 4 штат бирлиги, жами — 730 штат бирлиги.*

** 206 туман (шаҳар)ларга 0,5 штат бирлиги белгиланади ҳамда Ургут тумани ва Самарқанд шаҳарда 1 штат бирлиги.*

*** Ҳудуддаги маҳаллалар сонидан келиб чиққан ҳолда мос равишда белгиланади.*

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70-А/F-сонли буйругига
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги раҳбариятининг вақтинчалик вазифа ва функциялари**
**ТАҚСИМОТИ**

**1. Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг асосий функционал вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:**

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

2) якка бошчилик тамойилига асосланган ҳолда Вазирлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини янада такомиллаштириш бўйича тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

4) Вазирлик ва унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боглиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

5) Вазирлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари, шунингдек, тегишли Вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати йигилишларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республиканинг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

8) Вазирлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

9) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли бажарилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

10) Вазирлик ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

11) Вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Вазирликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал,

ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

13) фаолият соҳасига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилинишида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

14) “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Вазирликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

15) Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, зарурат бўлганда, бошқа Вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорларни қабул қилиш;

16) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш;

17) Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

18) ўз ўринбосарлари ҳамда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

19) Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

20) Вазирлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари талабларига Вазирлик ходимларининг риоя этишини таъминлашни назорат қилиш;

21) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

22) Вазирлик ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

23) аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, “ягона дарча” принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

24) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Вазирлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

26) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

27) Вазирлик марказий аппарати штат жадвалини ходимларнинг тасдиқланган штат бирликларининг белгиланган сони асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджет маблаглари ҳисобидан молиялаштириладиган марказий аппарат ва идоравий мансуб ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

28) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари низомларини, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

29) марказий аппарат ходимларини, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошлиқларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ҳамда Қорақалпогистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси билан келишиш;

30) Вазирлик ҳайъатига ва марказий аппарат йигилишларига раҳбарлик қилиш;

31) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) билан ҳамкорликда Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши ва иштирок этиши бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш;

32) ёшларга сиёсати ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, тегишли вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг ижро этувчи органлари, федерациялар (ассоциациялар) ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

33) вазирлик тизимида кадрларни тайёрлаш чораларини кўриш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малака оширишини ташкил этиш;

34) вазирлик тизимида фаолият юритаётган ходимларни рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармоқларини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни фахрий ёрлиқлар ҳамда бошқа рағбатлантиришлар билан тақдирлаш;

35) ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш бўйича халқаро тадбирларда вакилларнинг Ўзбекистон Республикаси номидан иштирокини таъминлаш.

36) Вазир қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**2. Ушбу вазифаларни амалга оширувчи таркибий ва ҳудудий тузилмалар:**

1) Вазирлик Ҳайъати;

2) Марказий аппарат;

3) Вазир ёрдамчиси;

4) Вазирнинг алоҳида йўналишлари бўйича маслаҳатчилари;

5) Вазир котибияти;

6) Биринчи бўлим;

7) Стратегик режалаштириш ва методология бўлими;

8) Инсон ресурсларни ривожлантириш ва бошқариш бўлими;

9) Коррупцияга қарши курашиш бўлими;

10) Ички аудит ва назорат бошқармаси

11) Ахборот хизмати;

12) Ёшлар ишлари агентлиги;

13) Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фаргона филиаллари;

14) Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти;

15) Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда унинг Нукус, Самарқанд ва Фаргона филиаллари;

16) Олий спорт маҳорати институти;

17) Ўзбекистон дзюдо академияси;

18) “Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” давлат унитар корхонаси;

19) Спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари;

20) Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари;

21) Республика олимпия захиралари теннис мактаби;

22) Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби;

23) Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактаби;

24) Спортнинг эшкак эшиш ва гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаблари;

25) Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари;

26) Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари;

27) Ихтисослаштирилган спорт мактаблари;

28) Спорт мактаблари;

29) Олимпия ва паралимпия шон-шуҳрати музейи.

30) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари.

**3. Вазирнинг биринчи ўринбосари – Ёшлар ишлари агентлиги директорининг асосий функционал вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:**

1) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Вазир вактинча бўлмаганда, тегишли буйрук асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Вазирликнинг мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) давлат бошкаруви органи фаолиятининг мутасаддилик килинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг карорлари билан тасдикланган давлат бошкаруви органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошкаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги

тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон, «Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон, «Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2021 йил 22 июлдаги ПҚ-5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда «Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

8) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик килинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Вазирлик раҳбари томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Вазирлик раҳбари топшириғига биноан иштирок этиш;

11) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий

делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

12) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар фаолияти соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Вазирга киритиш;

14) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

15) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидаларига талабларига Вазирлик ходимларининг риоя этиши, кўрсатиб ўтилган қоидаларга мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

16) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

17) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

18) вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

19) олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) фаолияти мониторингини олиб бориш ва ривожлантириш;

20) Вазирликнинг Халқаро ва республика даражаларидаги спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларнинг календарь режасини шакллантиришда иштирок этиш, уни манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириш;

21) спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг куч-қуввати сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул маблағлари билан таъминлаш Республика комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилиш;

22) республикада жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожлантирилишини мониторингини олиб бориш, республикада жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантириш;

23) Ўзбекистон спортчиларини Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш бўйича қабул қилинган дастурлари бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва федерациялар (ассоциациялар) билан ҳамкорликда спортчиларнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида самарали иштирок этиши чора-тадбирларини амалга ошириш;

24) истеъдодли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини оширишда, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида ва бошқа халқаро мусобақалар ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш, спорт захиралари ва терма жамоалар таркибини шакллантириш;

25) мамлакатда профессионал спортни ривожлантиришни рағбатлантириш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда замонавий технологияларни спорт тайёргарлиги жараёнига жорий этиш, спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақаларни ташкил этиш, носоғлом спортда носоғлом ҳодисаларга ва тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усуллардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

26) Ўзбекистон спорт терма жамоалари ва уларнинг спорт захираси таркибини шакллантириш, Ўзбекистон спорт делегацияларини бутлаш, уларни халқаро спорт мусобақаларига ва жисмоний тарбия соҳасидаги оммавий тадбирларга тайёрлашни ва иштирок этишини таъминлаш;

27) спорт соҳасидаги халқаро алоқаларни амалга ошириш ва ривожлантириш, халқаро спорт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

28) юқори малакали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш, олий спорт маҳорати мактабларини ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

29) спорт ҳакамларига малака тоифалари бериш бўйича Малака комиссияга раҳбарлик қилиш;

30) спортчиларга республика спорт унвонлари ва тоифалар бериш бўйича Малака комиссиясига раҳбарлик қилиш;

31) тренер-ўқитувчилар ва инструктор-методистларга малака тоифалари бериш бўйича Малака комиссиясига раҳбарлик қилиш;

32) жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро, республика ва миллий спорт ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни таъминлаш.

33) Ёшлар ишлари агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш;

34) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ истиқболдаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

35) ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасидаги мажбуриятларни тақсимлаш, Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Агентлик фаолиятининг маълум бир соҳаларини бошқаришда ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

36) Агентликнинг фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

37) Агентлик тизимида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар кадрлари захирасини шакллантириш;

38) Агентлик марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

39) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқариш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

40) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари талабларига Агентлик ходимларининг риоя этиши,

кўрсатиб ўтилган қоидаларга мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

41) Агентлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар низомларини ҳамда уставларини тасдиклаш;

42) Агентлик тизимида фаолият юритаётган ходимларни рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармокларини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни фахрий ёрлиқлар ҳамда бошқа рағбатлантиришлар билан тақдирлаш;

43) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномаларини имзолаш.

44) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

**4. Ушбу вазифаларни амалга оширувчи таркибий ва ҳудудий тузилмалар:**

1) Ёшлар сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш департаменти;

2) Ёшларнинг иқтисодий имкониятларини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бўлими;

3) Ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш бўлими;

4) Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўлими;

5) Оммавий спортни ривожлантириш бўлими;

6) Ёшлар ишлари агентлиги;

7) Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари.

Вазир билан бир қаторда вазирнинг биринчи ўринбосари – Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйругига (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) асосан қуйидаги молиявий тўлов ҳужжатларига имзо қўйиш:

**а) Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар:**

1) юк хатлари (талабномалар);

2) далолатномалар;

3) ҳисоб-фактуралар;

4) бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари учун тўлов топшириқномалари;

5) шартномалар;

6) ишончномалар;

7) ғазначилик мемориал ордерлари;

8) касса кирим ва чиқим ордерлари;

9) ойлик ва унга тенглаштирилган иш ҳақи тўловлари, аванс ва пенсия тўловлари бўйича қайдномалар;

10) пластик реестрлари;

11) табеллар ва бошқалар.

**б) Молиявий ҳисоботлар:**

1) чораклик ва йиллик баланс ҳисоботлари ва унинг шакллари;

2) статистик ва солиқ ҳисоботлари;

3) хизмат сафари ҳисоботлари;

4) пенсия сўровномалари ва бошқа турдаги молиявий ҳисоботлар.

**в) Харажатлар сметаси ижросига тааллуқли барча ҳужжатлар:**

1) харажатлар сметаси ва уларга киритилган ўзгартиришлар;

2) штатлар жадвали;

3) бюджет сўровномалари;

4) вазирликнинг шахсий ғазначилик ҳисобварақларини очиш ва ёпиш учун аризалар ҳамда унга тегишли операциялар ва бошқа молиявий ҳужжатлар.

**5. Қуйидагилар Вазир ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:**

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Вазир вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида" 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўгрисида" 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошкарувининг бошка органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўгрисида" 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

8) Вазирлик ҳайъати карорлари, Вазирнинг буйруклари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш

чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик килинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни кейинчалик кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига катъий мувофик равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вактида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чикишда Вазирнинг топширигига биноан иштирок этиш;

11) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлик ва ҳар томонлама кўриб чикиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўгрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблаглардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танкидий таҳлил килиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) жисмоний тарбия ва спорт соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, конунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чикиш ва уларни Вазирга киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиклиги масаласини кўриб чикиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

16) Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

17) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

22) олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) фаолияти мониторингини олиб бориш ва ривожлантириш;

23) спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг куч-кувввати сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул маблаглари билан таъминлаш Республика комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилиш;

24) Ўзбекистон спортчиларини Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш бўйича қабул қилинган дастурлари бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва федерациялар (ассоциациялар) билан ҳамкорликда спортчиларнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида самарали иштирок этиши чора-тадбирларини амалга ошириш;

25) истеъдодли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини оширишда, Олимпия ва Паралимпия, Осиё

ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида ва бошқа халкаро мусобакалар ва турнирларда муваффакиятли иштирок этишини таъминлаш, спорт захиралари ва терма жамоалар таркибини шакллантириш;

26) мамлакатда профессионал спортни ривожлантиришни рағбатлантириш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда замонавий технологияларни спорт тайёргарлиги жараёнига жорий этиш, спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халкаро ва минтақавий мусобақаларни ташкил этиш, носоғлом спортда носоғлом ҳодисаларга ва тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усуллардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

27) Ўзбекистон спорт терма жамоалари ва уларнинг спорт захираси таркибини шакллантириш, Ўзбекистон спорт делегацияларини бутлаш, уларни халкаро спорт мусобақаларига ва жисмоний тарбия соҳасидаги оммавий тадбирларга тайёрлашни ва иштирок этишини таъминлаш;

28) жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро алоқаларни амалга ошириш ва ривожлантириш, халқаро спорт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

29) спорт ҳакамларига малака тоифалари бериш бўйича Малака комиссияга раҳбарлик килиш;

30) спортчиларга республика спорт унвонлари ва тоифалар бериш бўйича Малака комиссиясига раҳбарлик килиш;

31) жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро, республика ва миллий спорт ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни таъминлаш;

32) Вазирликнинг Халкаро ва республика даражаларидаги спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларнинг календарь режасини шакллантиришда иштирок этиш, уни манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириш;

33) вазирликнинг ҳуқуқий фаолиятига оид судларга киритиладиган даъво аризалари, судларга катнашиш учун бериладиган ишончномалар, илтимосномалар, эътирозномалар, фикрномалар, келишув битимлари ҳамда ходимларнинг хизмат сафари билан боғлиқ ҳисоботлари, хизмат сафари гувоҳномаси ва билдиришномаларини имзолаш ҳамда назорат қилиб бориш;

34) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

**5. Ушбу вазифаларни амалга оширувчи таркибий ва ҳудудий тузилмалар:**

1) Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш бошқармаси;

2) Олимпия спорт турларини ривожлантириш бўлими;

3) Паралимпия, қишки ва экстремал спорт турларини ривожлантириш бўлими;

4) Профессионал ва ихтисослаштирилган спорт таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими;

5) Спорт тадбирларини мониторингини юритиш бўлими;

6) Миллий (этно) ва ноолимпия спорт турларини қўллаб-қувватлаш бўлими;

7) Олимпия ва паралимпия шон-шухрати музейи;

8) Спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари;

9) Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари;

10) Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби;

11) Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактаби;

12) Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби;

13) Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаби;

14) Республика олимпия захиралари теннис мактаби;

15) Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича ихтисослаштирилган Олимпия захиралари Республика болалар-ўсмирлар спорт мактаби;

16) Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари;

**7. Вазир ўринбосарининг асосий функционал вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:**

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Вазир вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) давлат бошқаруви органи фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида" 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идораларaро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида" 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида" 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

8) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш

чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Вазирлик раҳбари томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Вазирлик раҳбари топширигига биноан иштирок этиш;

11) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чикиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўгрисида" 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва "Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида" 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблаглардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

12) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар фаолияти соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, конунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чикиш ва уларни Вазирга киритиш;

14) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиклиги масаласини кўриб чикиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

15) Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдикланган Давлат фукаролик хизматчилари одоб-ахлокининг

намунавий қоидалари талабларига Вазирлик ходимларининг риоя этиши, кўрсатиб ўтилган қоидаларга мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

16) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

17) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

20) вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

21) Вазирликнинг Халқаро ва республика даражаларидаги спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларнинг календарь режасини шакллантиришда иштирок этиш, уни манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириш;

22) республикада ёшлар сиёсати ва спорт соҳаси ривожлантирилишини мониторингини олиб бориш, республикада ёшлар сиёсати ва спортни янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантириш;

23) юқори малакали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш, олий спорт маҳорати мактабларини ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

24) тренер-ўқитувчилар ва инструктор-методистларга малака тоифалари бериш бўйича Малака комиссиясига раҳбарлик қилиш;

25) вазирликнинг ҳуқуқий фаолиятига оид судларга киритиладиган даъво аризалари, судларга қатнашиш учун бериладиган ишончномалар, илтимосномалар, эътирозномалар, фикрномалар, келишув битимлари ҳамда

ходимларнинг хизмат сафари билан боглиқ ҳисоботлари, хизмат сафари гувоҳномаси ва билдиришномаларини имзолаш ҳамда назорат қилиб бориш;

26) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

**8. Ушбу вазифаларни амалга оширувчи таркибий ва ҳудудий тузилмалар:**

1) Таълим муассасалари билан ишлаш ва услубий таъминлаш бўлими;

2) Спорт мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими;

3) Спорт нормативларини ўтказиш бўлими;

4) Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фаргона филиаллари;

5) Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти;

6) Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда унинг Нукус, Самарқанд ва Фаргона филиаллари;

7) Олий спорт маҳорати институти;

8) Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари;

9) спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаблари;

10) спорт мактаблари;

**9. Вазир ўринбосарининг асосий функционал вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:**

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Вазир вактинча бўлмаганда, тегишли буйрук асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Вазирликнинг мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик килинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танкидий ва чукур таҳлил килиш;

5) мутасаддилик килинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўгрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўгрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

8) Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш

чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик килинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни кейинчалик кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига катъий мувофик равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вактида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чикишда Вазирнинг топширигига биноан иштирок этиш;

11) Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлик ва ҳар томонлама кўриб чикиш;

12) хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўгрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

13) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танкидий таҳлил килиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

14) жисмоний тарбия ва спорт соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, конунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чикиш ва уларни Вазирга киритиш;

15) мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда колиши максадга мувофиклиги масаласини кўриб чикиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

16) Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг кўрсатиб ўтилган коидаларга риоя этишини таъминлаш;

17) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш орқали "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошка ҳукукбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

18) давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

19) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

20) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал кабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вактида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

21) вазирликнинг ҳукукий фаолиятига оид судларга киритиладиган даъво аризалари, судларга қатнашиш учун бериладиган ишончномалар, илтимосномалар, эътирозномалар, фикрномалар, келишув битимлари ҳамда ходимларнинг хизмат сафари билан боглиқ ҳисоботлари, хизмат сафари гувоҳномаси ва билдиришномаларини имзолаш ҳамда назорат қилиб бориш;

22) давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

**10. Ушбу вазифаларни амалга оширувчи таркибий ва ҳудудий тузилмалар:**

1) Молия-иқтисод бўлими;

2) Бухгалтерия ҳисоби бўлими;

3) Инвестиция дастурлари ва инфратузилма бўлими;

4) Маркетинг, аутсорсинг ва давлат хусусий шерикликни ривожлантириш бўлими;

5) Давлат харидларини ташкил этиш бўлими;

6) Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими;

7) Хўжалик бўлими;

8) “Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” давлат унитар корхонаси;

9) Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари.

Вазир билан бир қаторда вазир ўринбосарига Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйругига (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) асосан қўйидаги молиявий тўлов ҳужжатларига имзо қўйиш:

**а) Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар:**

1) юк хатлари (талабномалар);

2) далолатномалар;

3) ҳисоб-фактуралар;

4) бюджет ва бюджетдан ташқари маблаглари учун тўлов топшириқномалари;

5) шартномалар;

6) ишончномалар;

7) газначилик мемориал ордерлари;

8) касса кирим ва чиқим ордерлари;

9) ойлик ва унга тенглаштирилган иш ҳақи тўловлари, аванс ва пенсия тўловлари бўйича қайдномалар;

10) пластик реестрлари;

11) табеллар ва бошқалар.

**б) Молиявий ҳисоботлар:**

1) чораклик ва йиллик баланс ҳисоботлари ва унинг шакллари;

2) статистик ва солиқ ҳисоботлари;

3) хизмат сафари ҳисоботлари;

4) пенсия сўровномалари ва бошқа турдаги молиявий ҳисоботлар.

**в) Харажатлар сметаси ижросига тааллуқли барча ҳужжатлар:**

1) харажатлар сметаси ва уларга киритилган ўзгартиришлар;

2) штатлар жадвали;

3) бюджет сўровномалари;

4) вазирликнинг шахсий газначилик ҳисобварақларини очиш ва ёпиш учун аризалар ва унга тегишли операциялар;

5) бошқа молиявий ҳужжатлар.

**11. Вазирлик раҳбарияти ходимлари вақтинча ишда бўлмаган пайтда (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик варақаси ва бошқа ҳолатлар) лавозим вазифаларини вақтинча бажариб туришнинг кетма-кетлиги қуйидаги тартибда белгилансин:**

**а) Вазир А.Икрамов:**

А.Икрамов – А.Саъдуллаев – вазир ўринбосари – вазир ўринбосари – вазир ўринбосари.

**б) Вазирнинг биринчи ўринбосари А.Саъдуллаев:**

А.Саъдуллаев – М.Исмаилов – Ш.Махмудов – Д.Рахимова.

**в) Вазир ўринбосари М.Исмаилов:**

М.Исмаилов – Ш.Махмудов – Д.Рахимова.

**г) Вазир ўринбосари Ш.Махмудов:**

Ш.Махмудов – Д.Рахимова.

**д) Вазир ўринбосари Д.Рахимова:**

Д.Рахимова – А.Саъдуллаев – М.Исмаилов – Ш.Махмудов.

Мазкур кетма-кетлик бўйича ишлаб чиқариш буйруқлари, юқори турувчи ташкилотлар ўртасида ёзишмалар, кўрсатмалар, келиб тушган ҳужжатларни ижрога қаратиш бўйича кўрсатмалар беришга имзо қўйиш ҳуқуқи берилади.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70-А/F-сонли буйругига
7а-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги раҳбариятининг вақтинчалик вазифа ва функциялари**
**ТАҚСИМОТИ**

**1. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:**

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг буйруқлари ва топшириқлари билан юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

3) Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда таркибий бўлинмалари фаолияти билан боглиқ истиқболдаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чикиш ва кабул килиш;

4) Агентликнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ваколатларини белгилаш, Агентлик фаолиятининг маълум бир соҳаларини бошкаришда ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

5) Агентликнинг фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

6) Агентлик тизимида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар кадрлари захирасини шакллантириш;

7) Агентликка ишга кабул килинадиган кадрларнинг профессионаллиги ва ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

8) Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқариш, зарур бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

9) Агентлик ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимларда кейинчалик қолишининг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

10) Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

11) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини самарали ташкил этиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

12) зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

13) Агентлик марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

14) Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлинмалари ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишлар қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

15) Агентлик тизимида фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармоқларини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни фахрий ёрлиқлар ҳамда бошқа рағбатлантиришлар билан тақдирлаш;

16) Агентлик мол-мулкини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

17) Агентлик ходимларини ҳамда ҳудудий бошқарма ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини тизимли равишда тайёрлаш ва хорижий мамлакатларда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

**2. Қуйидагилар директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:**

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) директор вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) Агентликнинг ўзи назорат қиладиган идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

4) ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

5) ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларнинг режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

6) Агентлик ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

7) ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича директорга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

8) соҳага оид масалалар бўйича Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни директорга киритиш;

9) ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича директорга таклиф киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

10) Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

11) давлат хизматлари самарадорлигини, улардан эркин фойдаланишни ва уларни кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

12) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини самарали ташкил этиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

13) ўз фаолияти соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, касбий таълим муассасаларининг ўқув даражаси ва сифатини тубдан оширишга кўмаклашиш,

кадрларни, шу жумладан, хориждаги илгор илмий-тадқиқот муассасалари ва таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

жумладан, соҳа йўналишлари бўйича:

**а) директорнинг биринчи ўринбосарининг асосий вазифалари**:

маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ишлаш, уларни методологик таъминлаш, малакасини ошириш ва самарали фаолият юритишига кўмаклашиш;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, Беш муҳим ташаббус доирасидаги ишларни тизимли равишда мувофиқлаштириш орқали ёшлар қамровини кенгайтириш;

ёшларни Ватанга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш;

ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга қаратилган лойиҳа ва тадбирлар ташкил этиш;

ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзини таргиб қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

**б) директор ўринбосарининг асосий вазифалари:**

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш ва ушбу тизимнинг доимий такомиллашиб боришини таъминлаш;

“Ёшлар дафтари”ни тизимли равишда юритиш, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида IT лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ёшларга, шунингдек, IT-парк резидентининг ўқувчиси ёки битирувчиси бўлган ёшларга истеъмол кредити орқали компьютер харид қилиш учун кафиллик бериш ҳамда мазкур кредитларнинг фоиз тўловларини компенсация қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

**в) директор ўринбосарининг асосий вазифалари**:

таълим муассасаларидаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш;

ёшлар ўртасида волонтёрликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш;

ёшларга оид истиқболли гоялар ва ёшлар медиа лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

халқаро таълим дастурлари (имтиҳонлар) бўйича юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш;

ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун янада кенгроқ имконият яратиш;

таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар билан ишлаш, уларни волонтёрлик фаолиятига жалб этиш ҳамда ёшлар ташкилотларида волонтёрлик клублари ва гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш;

ёшлар муаммоларини тадқиқ қилиш ишлари самарадорлигини ошириш, социологик тадқиқотлар ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

Ёшлар сиёсати ва спорт
вазирининг
2023 йил "31" январдаги
01/70 - А/F-сонли буйруғига
8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги марказий аппаратнинг вақтинчалик штат бирликлари**

| Т/р | Таркибий бўлинмаларнинг номланиши ва лавозимлар номи | Штат бирликлари сони |
|---|---|---|
| **I. Раҳбарият** | | |
| 1 | Вазир | 1 |
| 2 | Вазирнинг биринчи ўринбосари – *Ёшлар ишлари агентлиги директори* | 1 |
| 3 | Вазир ўринбосари | 3 |
| 4 | Вазирнинг алоҳида йўналишлар бўйича маслаҳатчилари | 2 |
| 5 | Вазир ёрдамчиси | 1 |
| | **Жами** | **8** |
| **II. Стратегик режалаштириш ва методология бўлими** | | |
| 6 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 7 | Бош мутахассис | 3 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **4** |
| **III. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими** | | |
| 8 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 9 | Бош мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| **IV. Коррупцияга қарши курашиш бўлими** | | |
| 10 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 11 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **V. Ахборот хизмати** | | |
| 12 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 13 | Бош мутахассис | 2 |
| 14 | Етакчи мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **4** |
| **VI. Биринчи бўлим** | | |
| 15 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **1** |
| **VII. Ички аудит ва назорат бошқармаси** | | |
| 16 | Бошқарма бошлиғи | 1 |
| 17 | Бошқарма бошлиғи ўринбосари | 1 |
| 18 | Бош мутахассис | 15 |
| | **Бошқарма бўйича жами** | **17** |
| **VIII. Вазир котибияти** | | |
| 19 | Котибият бошлиғи | 1 |
| | **Котибият бўйича жами** | **1** |
| **IX. Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми бўлими** | | |
| 20 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 21 | Бош мутахассис | 3 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **4** |
| **X. Юридик бўлим** | | |
| 22 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 23 | Бош юрисконсульт | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XI. Халқаро ҳамкорлик ва рейтинглар бўлими** | | |
| 24 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 25 | Бош мутахассис | 2 |

| Т/р | Таркибий бўлинмаларнинг номланиши ва лавозимлар номи | Штат бирликлари сони |
|---|---|---|
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| **XII. Девонхона** | | |
| 26 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 27 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XIII. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис** | | |
| 28 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **1** |
| | **Котибият бўйича жами** | **13** |
| **XIV. Ёшлар сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш департаменти** | | |
| 29 | Департамент бошлиғи | 1 |
| 29 | Департамент бошлиғи ўринбосари | 1 |
| | **Департамент бўйича жами** | **2** |
| **XV. Ёшларнинг иқтисодий имкониятларини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бўлими** | | |
| 30 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 31 | Бўлим бошлиғи ўринбосари | 1 |
| 32 | Бош мутахассис | 2 |
| 33 | Етакчи мутахассис | 2 |
| | **Бошқарма бўйича жами** | **6** |
| **XVI. Ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш бўлими** | | |
| 34 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| | Бўлим бошлиғи ўринбосари | 1 |
| 35 | Бош мутахассис | 2 |
| 36 | Етакчи мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **6** |
| **XVII. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўлими** | | |
| 37 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 38 | Бўлим бошлиғи ўринбосари | 1 |
| 39 | Бош мутахассис | 2 |
| 40 | Етакчи мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **6** |
| | **Департамент бўйича жами** | **20** |
| **XVIII. Оммавий спортни ривожлантириш бўлими** | | |
| 41 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 42 | Бўлим бошлиғи ўринбосари | 1 |
| 43 | Бош мутахассис | 2 |
| 44 | Етакчи мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **5** |
| **XIX. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш бошқармаси** | | |
| 45 | Бошқарма бошлиғи | 1 |
| | **Бошқарма бўйича жами** | **1** |
| **XX. Олимпия спорт турларини ривожлантириш бўлими** | | |
| 46 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 47 | Бош мутахассис | 2 |
| 48 | Етакчи мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **4** |
| **XXI. Паралимпия, қишки ва экстремал спорт турларини ривожлантириш бўлими** | | |
| 49 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 50 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XXII. Профессионал ва ихтисослаштирилган спорт таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими** | | |
| 51 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 52 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| | **Бошқарма бўйича жами** | **9** |

| Т/р | Таркибий бўлинмаларнинг номланиши ва лавозимлар номи | Штат бирликлари сони |
|---|---|---|
| **XXIII. Спорт тадбирлари мониторингини юритиш бўлими** | | |
| 51 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 52 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XXIV. Миллий (этно) ва ноолимпия спорт турларини қўллаб-қувватлаш бўлими** | | |
| 53 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 54 | Бош мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| **XXV. Таълим муассасалари билан ишлаш ва услубий таъминлаш бўлими** | | |
| 55 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 56 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XXVI. Спорт мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими** | | |
| 57 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 58 | Бош мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| **XXVII. Спорт нормативларини ўтказиш бўлими** | | |
| 59 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 60 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XXVIII. Молия-иқтисод бўлими** | | |
| 61 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 62 | Бош мутахассис | 3 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **4** |
| **XXIX. Бухгалтерия ҳисоби бўлими** | | |
| 63 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 64 | Бош мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| **XXX. Инвестиция дастурлари ва инфратузилма бўлими** | | |
| 65 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 66 | Бош мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| **XXXI. Маркетинг, аутсорсинг ва ДХШни ривожлантириш бўлими** | | |
| 67 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 68 | Бош мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| **XXXII. Давлат харидларини ташкил этиш бўлими** | | |
| 69 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 70 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XXXIII. АКТни жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими** | | |
| 71 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 72 | Бош мутахассис | 1 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **2** |
| **XXXIV. Хўжалик бўлими** | | |
| 73 | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 74 | Бош мутахассис | 2 |
| | **Бўлим бўйича жами** | **3** |
| | **Жами бошқарув ходимлари** | **118,0** |

*Изоҳ:* Вазирлик техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари сони амалдаги қонунчиликка доир белгиланади

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил "31" январдаги
01/70 - А/F-сонли буйруғига
9-илова

## Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг ҳудудий тузилмаларининг вақтинчалик ШТАТ БИРЛИКЛАРИ

*(штат бирликлари сони)*

| Т/р | Таркибий бўлинмалар ва лавозимлар номи | Қорақал-поғистон | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сирдарё | Сурхондарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Тошкент ш. | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Жами** | **29** | **27** | **25** | **23** | **27** | **23** | **26** | **27** | **22** | **27** | **33** | **33** | **24** | **26** | **372** |
| 1 | Бошлиқ (вазир) | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 2 | Бошлиқ (вазир) ўринбосари | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 3 | Бош юрисконсульт | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 4 | Ахборот хизмати | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 5 | Миллий (этно) ва ноолимпия спорт турларини ривожлантириш бўйича бош мутахассис | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 6 | АКТни жорий этиш ва рақамлаштириш бўйича бош мутахассис | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 7 | Инвестиция дастурлари ва инфратузилмари бўйича бош мутахассис | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 9 | **Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш шўбаси** | **2** | **2** | **1** | **1** | **2** | **1** | **2** | **2** | **1** | **2** | **2** | **2** | **1** | **2** | **23** |
| | Шўъба (бўлим) бошлиғи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | 9 |
| 10 | **Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми шўъбаси** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **4** | **56** |
| | Шўъба (бўлим) бошлиғи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 28 |
| | Етакчи мутахассис | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| 11 | **Спорт таълим муассасалари билан ишлаш шўъбаси** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **3** | **3** | **1** | **2** | **29** |
| | Шўъба бошлиғи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | | 1 | 15 |
| 12 | **Ташкилот ва идораларда спорт ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш шўъбаси** | **2** | **2** | **2** | **1** | **2** | **1** | **2** | **2** | **1** | **2** | **3** | **3** | **2** | **2** | **27** |
| | Шўъба бошлиғи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 13 |
| 13 | **Спорт нормативларини ўтказиш ва селекция қилиш шўъбаси** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **1** | **2** | **2** | **1** | **2** | **3** | **3** | **2** | **2** | **28** |
| | Шўъба бошлиғи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | 14 |

| | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 14 | **Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси** | **4** | **2** | **2** | **2** | **3** | **2** | **2** | **2** | **2** | **3** | **4** | **4** | **2** | **2** | **36** |
| | Шўъба бошлиғи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис | 3 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 3 | 3 | 1 | 1 | 22 |
| 15 | **Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш шўъбаси** | **4** | **4** | **3** | **2** | **3** | **3** | **3** | **4** | **2** | **3** | **5** | **5** | **3** | **3** | **47** |
| | Шўъба бошлиғи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис | 2 | 2 | 2 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 1 | 2 | 3 | 3 | 2 | 2 | 28 |
| | Етакчи мутахассис | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | 1 | 1 | | | |
| 16 | **Марказлаштирилган бухгалтерия хизмати шўъбаси** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **2** | **28** |
| | Шўъба бошлиғи - бош ҳисобчи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |
| | Бош мутахассис - ҳисобчи | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 14 |

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70 - А/F-сонли буйруғига
10-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппаратининг вақтинчалик штат бирликлари

| Т/р | Таркибий бўлинмаларнинг номланиши ва лавозимлар номи | Штат бирликлари сони |
|---|---|---|
| | **Раҳбарият** | |
| 1. | Директорнинг биринчи ўринбосари | 1 |
| 2. | Директор ўринбосари | 2 |
| | **Ахборот-таҳлил ва ижро назорати бўлими** | |
| 3. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 4. | Девонхона мудири | 1 |
| 5. | Бош мутахассис | 3 |
| | **Инсон ресурсларини ривожлантириш бўлими** | |
| 6. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 7. | Бош мутахассис | 2 |
| | **Юридик бўлим** | |
| 8. | Бош юрисконсульт | 1 |
| | **Молия-иқтисод бўлими** | |
| 9. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 10. | Бош ҳисобчи | 1 |
| 11. | Бош мутахассис | 2 |
| | **Давлат харидларини ташкил этиш ва хўжалик бўлими** | |
| 12. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 13. | Бош мутахассис | 1 |
| | **Директор ёрдамчиси** | |
| 14. | Директор ёрдамчиси | 1 |
| | **Маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва методологик таъминлаш бўлими** | |
| 15. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 16. | Бош мутахассис | 4 |
| | **Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва Беш ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш бўлими** | |
| 17. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 18. | Бош мутахассис | 4 |
| | **Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўлими** | |

| Т/р | Таркибий бўлинмаларнинг номланиши ва лавозимлар номи | Штат бирликлари сони |
|---|---|---|
| 19. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 20. | Бош мутахассис | 2 |
| **“Ёшлар дафтари” тизимини мувофиқлаштириш бўлими** | | |
| 21. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 22. | Бош мутахассис | 3 |
| **Ёшлар бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш бўлими** | | |
| 23. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 24. | Бош мутахассис | 2 |
| **Ёшлар ўртасида IT лойиҳаларини ривожлантириш бўлими** | | |
| 25. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 26. | Бош мутахассис | 2 |
| **Мурожаатлар билан ишлаш бўлими** | | |
| 27. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 28. | Бош мутахассис | 1 |
| **Таълим муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш, волонтёрликни ривожлантириш ва Ёшларга оид истиқболли ғояларни қўллаб-қувватлаш бўлими** | | |
| 29. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 30. | Бош мутахассис | 6 |
| **Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлаш бўлими** | | |
| 31. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 32. | Бош мутахассис | 2 |
| **Ёшлар медиа лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўлими** | | |
| 33. | Бўлим бошлиғи | 1 |
| 34. | Бош мутахассис | 2 |
| **Жами** | | **57** |

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “____” январдаги
______А/Ғ-сонли буйругига
11-илова

**Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг вақтинчалик штат бирликлари**

| Т/р | Таркибий бўлинмаларнинг номланиши ва лавозимлар номи | Штат бирликлари сони |
|---|---|---|
| 1. | Бошлиқ | 1 |
| 2. | Бошлиқ ўринбосари | 1 |
| 3. | Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 4. | Юрисконсульт | 1 |
| 5. | Бош бухгалтер | 1 |
| 6. | Ёшлар медиа лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 7. | Кадрлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 8. | Ахборот-таҳлил ва ижро назорати бўйича бош мутахассис | 1 |
| 9. | Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 10. | “Ёшлар дафтари”ни мувофиқлаштириш ва ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 11. | Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 12. | Маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ишлаш бўлими | 1 |
| 13. | Таълим муассасаларида ёшлар билан ишлаш ва волонтёрлик фаолиятини ривожлантириш бўйича бош мутахассис | 1 |
| **Жами** | | **13** |

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “____” январдаги
______А/F-сонли буйругига
12-илова

**Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларининг вақтинчалик штат бирликлари**

| Т/р | Таркибий бўлинмаларнинг номланиши ва лавозимлар номи | Штат бирликлари сони |
|---|---|---|
| 1. | Бошлиқ | 1 |
| 2. | Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 3. | “Ёшлар дафтари”ни мувофиқлаштириш ва ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича бош мутахассис | 1 |
| 4. | Бош бухгалтер | 0,5-1 |
| **Жами** | | **3,5 – 4** |

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70 - А/F-сонли буйругига
13-илова

# Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тўғрисида вақтинчалик Низом

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу вақтинчалик Низом Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериши тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифаларини белгилайди.

2. Вазирлик ёшлар ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади.

4. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу вақтинчалик Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Вазирлик, вазирлик хузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати бош бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар) ва унинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар юридик шахслар ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган мухрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий газна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Вазирликнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – O‘zbekiston Respublikasi Yoshlar siyosati va sport vazirligi;

қисқартирилган номи – Yoshlar va sport vazirligi;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Министерство молодежной политики и спорта Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Министерство Молодежи и спорта;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Ministry of Youth policy and sports of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Ministry of Youth and sports.

8. Вазирликнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

## 2-боб. Вазирликнинг тизими

9. Вазирлик тизимига қуйидагилар киради:

Ёшлар ишлари агентлиги;

Вазирликнинг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари;

“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” давлат унитар корхонаси;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиаллари;

Олий спорт маҳорати институти;

Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институти;

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда унинг Нукус, Самарқанд ва Фарғона филиаллари;

Ўзбекистон дзюдо академияси;

Республика олий спорт маҳорати мактаблари;

Олимпия ва паралимпия турларига тайёрлаш марказлари;

Республика олимпия захиралари теннис мактаби;

Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби;

Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактаби;

Спортнинг эшкак эшиш ва гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаблари;

Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказлари;

Ихтисослаштирилган спорт мактаблари;

Спорт мактаблари;

Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари;

Олимпия ва паралимпия шон-шуҳрати музейи.

## 3-боб. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

### 1-§. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёшлар ва спорт соҳасида **ягона давлат сиёсатини амалга ошириш**, комплекс дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ёшларни **қўллаб-қувватлаш**, Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, **ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш**;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, **ижтимоий ҳимояга муҳтож**, жумладан **етим**

ва **ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг** ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш;

аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида **спортни оммалаштириш** ва соғлом турмуш тарзига **кенг жалб этиш**, таълим тизимини такомиллаштириш, спорт турлари бўйича юқори натижадор **спортчилар захирасини яратиш**, **профессионал спортни ривожлантириш**, спорт турлари бўйича миллий, халқаро ва минтақавий **мусобақалар ташкил этиш**;

**Олимпия ва Паралимпия ҳаракатларини ривожлантириш**, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда спортчиларнинг **муваффақиятли иштирокини таъминлаш**;

**ёшлар** ва **спорт инфратузилмасини модернизация қилиш**, соҳани босқичма-босқич рақамлаштириш, соҳадаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

11. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

***Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида:***

а) ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турлари ва соғлом турмуш тарзини юритишга кенг жалб этиш борасида кенг кўламли ишларни ташкил этиш, уларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, спорт таълими тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, спорт турлари бўйича юқори натижаларга эга спортчилар захирасини яратиш соҳасида:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш ишларини ташкил этади;

аҳолининг кенг қатламлари, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирлар ташкил этилиши ҳамда ўтказилишига кўмаклашади;

туманларда ва шаҳарларда спорт-оммавий ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари, шу жумладан, спортнинг миллий турлари бўйича халқ ўйинлари ва мусобақалар аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ўтказилишини мунтазам ташкил этади;

Ўзбекистонда миллий спорт турларини ва халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади, миллий спорт турлари бўйича спорт мусобақалари, халқ ўйинлари бўйича оммавий тадбирлар мамлакатда ва чет элда ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини молиялаш, шунингдек, миллий спорт турлари халқаро спорт майдонида кенг тарғиб қилиниши ва ривожлантирилишини белгиланган тартибда таъминлайди;

жисмоний ва маънавий соғлом ўсиб келаётган авлодни камол топтиришнинг муҳим шарти сифатида болаларнинг ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг оммавийлигини, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни ва спортга муҳаббатни сингдиришни таъминлайди;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантириш ҳамда ёш авлодга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга бўлган муҳаббат сингдирилишини таъминлайди;

аҳолининг кенг қатламларини спорт машғулотларига жалб қилишга ва соғлом турмуш тарзига риоя этишга, жисмонан соғлом ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган фаолиятни амалга оширади;

ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллалар, туман (шаҳар)ларнинг нуфузли спорт-оммавий тадбирлардаги спорт ютуқларини оммалаштиради ва кенг миқёсда эътироф этади;

Ўзбекистон Республикаси спортчиларини ва спорт терма жамоалари аъзоларини спорт инвентарлари, ускуналари ҳамда кийим-бош, анжомлар билан таъминлайди;

оммавий, болалар ва профессионал спорт йўналишлари бўйича объектлар ва иншоотлар фаолиятини такомиллаштириш ва янгиларини қуриш бўйича таклифлар киритади, улардан энг кўп даражада ва самарали фойдаланишни таъминлайди;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга кўмаклашади;

вазирлик тизимига кирувчи идоравий мансуб ташкилотларга уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва ахборот таъминотини ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича маслаҳатлар беради ва бошқа масалаларда кўмаклашади;

болалар спортининг моддий-техник ва ресурс базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

иқтидорли ёшлар ва спорт намояндаларининг халқаро ва республика даражасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ўтказиладиган кўриклар, танловлар, фестивалларга, бошқа анжуманларга бориши ва иштирок этишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақаларининг уч босқичли тизими ўйинлари ташкил этилиши ва ўтказилишини ташкил этишда иштирок этади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштиради;

қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

ўз ваколатлари доирасида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, спорт нормативларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

республикада ёшлар сиёсати ва спорт тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижро этилиши мониторингини олиб боради, шунингдек, ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантиришнинг ҳолатини таҳлил қилади, уларни мамлакатда янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантиради;

давлат бошқарувининг бошқа органлари билан ҳамкорликда ёшлар сиёсати ва спорт намояндаларини, шу жумладан, спортчилар, тренерлар, спорт фахрийларини ва бошқа мутахассисларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этади;

мамлакатда спорт турларини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилайди;

спорт федерациялари (ассоциациялари) реестрини юритади ва юритиш тартибини белгилайди;

спорт турлари бўйича Ягона спорт таснифини, шунингдек, Ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни, спорт турлари ва спорт фанларини эътироф этиш, улар реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

халқаро ва республика даражаларидаги спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларнинг календарь режасини шакллантиради ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади, манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда уларнинг молиялаштирилишини ва ўтказилишини таъминлайди;

спортчиларнинг спорт паспорти белгиланган тартибда берилишини ташкил этади ҳамда уларни ҳисобга олишнинг ягона тизими ишлашини таъминлайди;

ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни, дастурий-методик ҳужжатларни ҳамда ёшлар сиёсати ва спорт бўйича бошқа техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларнинг ижросини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар сиёсати ва спорт, шунингдек, аҳолини жисмоний тарбиялаш соҳасида илмий тадқиқотларнинг ривожланишига кўмаклашади, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этади ва ушбу ишлар амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

спорт таълими тизимини такомиллаштириш орқали болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектлари тармогини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантиради;

мутахассислик бўйича ва спорт таълимини бошқариш соҳасида раҳбарлар ва мутахассисларнинг билимларини, шунингдек, давлат спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифатли таркибини, хусусан, олий маълумотга (бакалавр, магистр) эга бўлган ходимлар сонини босқичма-босқич ошириб боради;

спорт мактаблари ва спорт таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни молиявий таъминлаш самарадорлигини оширади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида фаолият кўрсатиш жозибадорлигини ошириш мақсадида спорт таълими муассасаларининг мутахассис ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб боради;

хорижий етакчи спорт марказларида таълим олиш учун ҳудудлардан иқтидорли болаларни танлаш мақсадида спортнинг оммавий турлари бўйича спорт таълими муассасалари ўртасида мунтазам равишда ҳудудий спорт мусобақаларини ўтказади;

спорт таълими муассасаларини бошқариш ва самарадорлигини таҳлил қилишда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш, барча турдаги спорт таълими муассасаларида ногиронлиги бўлган болалар учун жисмоний тарбия таълим дастурларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини рақамлаштиради ҳамда замонавий ахборот технологияларини жорий этади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида зарур маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиш, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўради;

ҳудудий спорт мусобақаларида қатнашиш учун иқтидорли ёшларни танлаш (селекция) ва спорт мактаблари захирасини шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда, дарсдан ташқари тўгараклар ва секция машғулотларини ташкил этади;

кейинчалик ҳудудий ва республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун иқтидорли ёшларни танлаш (селекция) ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари захирасини шакллантириш мақсадида академик лицейлар, профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт турлари бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда дарсдан ташқари олимпия, паралимпия ва миллий спорт турлари бўйича спорт тўгараклари ва секция машғулотларини ташкил этади;

республика ва халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиш учун иқтидорли ёшларни танлаш (селекция) ва миллий терма жамоалар спорт захирасини ҳамда спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаблари захирасини шакллантириш мақсадида олий таълим ташкилотларида олимпия, паралимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этади;

мамлакатда юксак маданиятли, ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида, аҳолининг ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш, иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция ишларини амалга ошириш) жараёнига инновацион шакллар ва усулларни жорий этади;

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ёки Вазирлар Маҳкамасига киритади;

б) спорт инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектларини кўпайтириш, спорт маркетингини ривожлантириш, спорт объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда соҳани босқичма-босқич тўлиқ рақамлаштириш, нодавлат спорт объектлари ва муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасида:

манфаатдор вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатда спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

замонавий энергия ва ресурсларни тежайдиган, инновацион қурилиш технологияларини фаол жорий этиш ва улардан фойдаланиш асосида спорт муассасалари инфратузилмаси бинолари ва объектларини босқичма-босқич қуради, реконструкция қилади ва капитал таъмирлаш чораларини кўради;

республикада спортнинг жамоавий ўйин турларини янада ривожлантиради ва замонавий инфратузилмани яратади;

спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиради, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида эришган спорт ютуқларини оммалаштириш ва кенг эътироф этишга йўналтирилган фаолиятни амалга оширади;

қишки Олимпия спорт турлари инфратузилмасини яратиш, ушбу спорт турларини оммавийлаштириш орқали профессионал спортчиларни тайёрлаш тизимини йўлга қўяди;

мамлакатнинг спорт маркетингини ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ташкил этади;

ижобий синовдан ўтган тажрибани ўрганган ҳолда, спорт объектларини давлат-хусусий шериклик тамойили асосида самарали бошқариш тизимини жорий этади, шу жумладан, янги, истиқболли лойиҳаларни шакллантиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини рағбатлантиришга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

спорт соҳасидаги субъектларнинг фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

мамлакат терма жамоаларининг сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

нодавлат спорт объектлари ва ташкилотлари тармоғини кенгайтиради, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлайди;

жисмоний тарбия ва спорт клублари тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

вазирликлар ва идораларнинг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг, спорт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим ташкилотлари жисмоний тарбия ўқитувчилари, тренер ва инструкторлари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида чет эл мутахассисларини жалб қилади, шу жумладан, молиявий тарафдан кўмаклашади;

в) мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича профессионал спортни, шу жумладан, жамоавий, қишки ва экстремал спорт турларини ривожлантириш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спортга қарши тизимли чоралар кўришни таъминлаш соҳасида;

мамлакатда профессионал спортни ташкил этиш ва янада ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва киритади;

юқори малакали спортчиларни ва спорт захирасини тайёрлаш ишларини олиб боради, идоравий бўйсунишидан қатъи назар, спорт мактаблари, клублар ва спорт тайёргарлиги марказларини ривожлантириш ва ихтисослаштирилишни мувофиқлаштиради;

хорижий мамлакатларда ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш бўйича жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқлари, илғор тажрибани ўрганади, ушбу ютуқлар республикада жорий этилишини таъминлайди;

спорт мусобақаларида доимий равишда иштирок этувчи спортчиларнинг ягона маълумотлар базасини шакллантиради ва мунтазам равишда юритиб бориш тизимини жорий қилади;

спортнинг алоҳида турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоалари спортчиларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва спорт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган халқаро спорт мусобақаларида ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда иштирок этишини таъминлайди;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ўрнак кўрсатган ходимларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантиришга кўмаклашган бошқа шахсларни мукофотлайди;

спорт унвонлари, спорт разрядларини бериш тартибини тасдиқлайди;

спорт соҳасидаги улкан ютуқлари учун мукофотлар таъсис этиш ва Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда мутахассисларини уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида ютуқлари хизматлари учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим қилади ва тавсиялар беради;

г) Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш), тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини ошириш, улар орасидан мамлакат терма жамоаларининг сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия

қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоалари таркибларини ва уларнинг захираларини тасдиқлайди, Ўзбекистон спорт делегацияларини шакллантиради, халқаро спорт мусобақаларига ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларга тайёрлайди;

Уларнинг Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлайди;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорликда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида спорт марказлари ва допингга қарши марказлар, таълим ташкилотлари ва илмий ташкилотлар ташкил этиш бўйича таклифлар киритади ва уларнинг фаолиятини ташкил этишни таъминлайди;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) ҳамда ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорликда кейинчалик спорт захирасини шакллантириш учун истеъдодли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизими бўйича комплекс тадбирларни амалга оширади;

халқаро ҳамда республика спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари ўтказилишини, спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассислар таъминотини, Ўзбекистон Республикаси спортчиларини, спорт терма жамоаларини Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларига, кубокларига ва биринчилигига ва бошқа халқаро спорт мусобақаларига тайёрлашни ва иштирок этишини, халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари тўланишини белгиланган тартибда таъминлайди;

жисмоний имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб этиш ҳамда Сурдолимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

д) паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шугулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш, инфратузилма яратиш, истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш) ва профессионал спортга йўналтириш, малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шугулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шугулланувчилар қамровини янада оширади;

барча турдаги спорт таълим ташкилотларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқичма-босқич ташкил этади ҳамда иқтидорли жисмоний имконияти чекланган

ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишини таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этади;

ривожлантирилаётган (мавжуд), янги ташкил этилаётган ва келажакда янги ташкил этилиши режалаштирилган паралимпия спорт турларини ҳар томонлама ривожлантириш ва оммалаштириш чораларини кўради;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида махсус таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказади;

барча турдаги спорт таълим ташкилотларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун замонавий моддий-техник базани шакллантириш чораларини кўради;

паралимпия спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаб олиш (селекция ишларини амалга ошириш) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш мақсадида Паралимпия қўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш, тажриба орттириш ва аттестациядан, шу жумладан, чет элда ўтказишни таъминлайди;

спорт жамоалари, мутахассислари, шунингдек, спортчилар, тренерлар, шифокорлар ҳамда ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги бошқа вакилларни, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, халқаро танловлар, фестиваллар, спорт мусобақаларида ва чет элдаги бошқа тадбирларда иштирок этиш учун тайёрлаш, жўнатиш ва қабул қилишни таъминлайди;

***Ёшлар сиёсати соҳасида:***

а) ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид ягона давлат сиёсати асосларини, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга мувофиқ ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлайди, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларнинг самарали ижро этилиши мониторингини олиб боради;

демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида ёшлар ролини ошириш ишларини ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таҳлил қилади, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

б) мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш соҳасида:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ишлар ҳолатини доимий равишда ўрганиб боради ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

илғор хорижий тажриба асосида ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

давлат органлари ва ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишидаги фаолияти юзасидан сўровлар юборади ва улар фаолиятини таҳлил қилади;

в) ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларнинг таълим, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳалардаги фаолияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этади, зарур ҳолларда ушбу вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимларини жалб қилган ҳолда амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид фаолиятини таҳлил қилади, баҳолайди ва улар бўйича хулосалар тайёрлайди, шунингдек, ушбу соҳадаги ишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросининг ҳолати тўғрисидаги ахборот ва материалларни таҳлил қилади ҳамда умумлаштиради, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

г) ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш соҳасида:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз иқтидор ва истеъдодларини тўлақонли намоён этишлари ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланишларига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

ёшлар ўртасида салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган, шунингдек, ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, шу жумладан ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда бартараф этишда кўмаклашади;

д) ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш соҳасида:

ёш авлодни Ватан манфаати йўлида бирлаштириш, мамлакатимиз тарихини ва миллий қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, диний бағрикенглик ва инсонийлик туйғуларини шакллантириш чораларини кўради;

ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол вояга етказиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш бўйича кенг кўламли ташкилий, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

ёшларнинг илм-фанни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолият билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўради;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш чораларини кўради;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

е) ёшларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш соҳасида:

ёшларни турли ахборот хуружлари, радикал ғоя ва ёт мафкуралардан ҳимоя қилиш, уларнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги кафолатларини яратиш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда ёшларга руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳамда уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда зарур тадбирларни амалга оширади;

ёшлар онгида миллий ғурурни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қиладиган публицистик, чизма, фото ва видео материалларни тайёрлайди ҳамда тарғиб қилиш чораларини кўради, хорижий оммавий ахборот

воситаларида турли материаллар жойлаштириш орқали мамлакатимиз ижобий имижини шакллантиради;

болаларнинг ҳар томонлама, уйгун ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида якка тартибдаги профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

болаларни уларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

ж) ёшларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, касб-ҳунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллаши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

ёшларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари, ташаббуслари, илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар тадбиркорлиги соҳасида форум, тадбир ва ярмаркалар ўтказади, ёш тадбиркорларнинг халқаро форум ва ярмаркалардаги иштирокини таъминлайди, жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёҳатлар ташкил этади;

з) иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқади ҳамда бу борадаги тадбирлар тизимли амалга оширилишини таъминлайди, ёшлар ўртасида танлов, фестивал, форум, мусобақа ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни рагбатлантиришни ташкил этади ва амалга оширади;

ёшлар, ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, танловлар ташкил этади ва ўтказади;

ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

и) ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш соҳасида:

ёшлар ўртасида халқаро интеллектуал, спорт ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада конференция, кўргазмалар, ижодий сафарлар ташкил этиш, халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган танловлар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда иқтидорли ва истеъдодли ёшлар иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

илғор халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган тизимли ишларни амалга оширади, мамлакатнинг ёшлар сиёсатига оид халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш чораларини кўради;

хорижда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ёшлар билан мулоқотлар олиб боради, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тизимли ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таклифлар тайёрлайди ҳамда бу борада ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилади.

## 2-§. Вазирлик марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

12. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга

эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирликнинг буйруқлари бажарилишининг мунтазам назоратини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

Вазирлик ва унинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришилишини таъминлаш;

Вазирлик ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малака оширишини ташкил қилиш;

Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолияти самарадорлиги ҳамда натижадорлигини танқидий таҳлил қилиш, таҳлил якунларига кўра зарур чоралар кўриш;

Вазирлик ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;

тегишли давлат хизматларини кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

Вазирликнинг “Халқаро ва республика даражаларидаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаси”ни шакллантириш, манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан ҳамкорликда унинг амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Вазирлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

спорт ва спорт-соғломлаштириш ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, маҳаллий корхоналар томонидан спорт асбоб-ускуналари ва инвентарини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини ташкил қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида берилган спорт унвонлари, разрядлари ҳамда малака тоифаларини тасдиқлаш;

ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасига оид дастурий-методик ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрланиши ва уларда иштирок этиши бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро майдонларда халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, ёшлар сиёсати

ва спорт соҳасида хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш бўйича тадбирларда Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашишини таъминлаш;

Вазирлик Ҳайъати қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири (кейинги ўринларда – Вазир) буйруқ ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

истеъдодли ва истиқболли спортчиларнинг саралаш, ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини оширишда муваффақиятли иштирок этишини, шунингдек, узлуксиз саралаш тизимини яхшилаш, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида, бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли қатнашишини таъминлаш, спорт захираси ва терма жамоалар таркибини шакллантириш;

мамлакатда профессионал спортнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, илғор технологияларни спорт тайёргарлигига жорий қилиш, миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ҳамда вилоят мусобақаларини ташкил этиш, спортдаги носоғлом ҳолатлар, тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усуллардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича тизимли чораларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон спорт терма жамоалари ва уларнинг энг яқин захираси таркибини шакллантириш, Ўзбекистон спорт делегацияларини бутлаш, уларнинг халқаро спорт мусобақаларига, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги оммавий тадбирларга тайёрланиши ҳамда қатнашишини таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари ва ассоциациялари, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги илғор жаҳон тажрибаси ҳамда илмий-техник ютуқларни ўрганишни ташкил этиш, бундай тажрибани республикада ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини янада ривожлантириш учун жорий қилиш;

миллий спорт турларини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш ва ривожлантириш;

спортчилар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг бошқа вакилларини идоравий мансублигидан қатъи назар, хориждаги халқаро спорт мусобақалари, фестиваллар ва бошқа тадбирларда иштирок этишга тайёрлаш, уларнинг жўнатилиши ҳамда кутиб олинишини таъминлаш;

конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларнинг ўтказилишини ташкил қилиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан уюштирилган шундай тадбирларда қатнашишни таъминлаш.

13. Вазирликнинг марказий аппарати унга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Вазирлик ва унинг раҳбарияти фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлайди;

Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини ва уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик қилади, улар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

Вазирликнинг фаолияти, шу жумладан, норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти ҳуқуқий таъминланишини ташкил этади;

Вазирлик ваколатига тегишли оператив, ташкилий, кадрлар, молия, ишлаб чиқариш-хўжалик масалалари ва бошқа масалалар билан шуғулланади;

Вазирлик ва унинг таркибий ҳамда ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишнинг сўзсиз таъминланиши бўйича амалий чораларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Вазирлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилишини таъминлайди;

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) билан ҳамкорликда Ўзбекистон спортчиларнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёрланиши ҳамда уларда иштирок этиши бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилишини ташкил қилади;

илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда, республикада профессионал спортни ривожлантиришга, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий қилишга кўмаклашиш, спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва қитъа миқёсидаги мусобақаларни ташкил этиш бўйича тизимли чораларнинг қабул қилинишини, носоғлом спорт рақобати ҳамда тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усуллардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича тадбирлар ўтказилишини таъминлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, маҳаллий корхоналар томонидан спорт асбоб-ускуналари ва инвентарини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини ташкил этиш бўйича таклифларни тайёрлайди;

спорт федерациялари ва ассоциацияларининг мурожаатлари асосида Ягона спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларнинг календарь режасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва спорт федерациялари (ассоциациялари) маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган спорт турлари

бўйича халқаро спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда иштирок этишни аниқлаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

республика спортчилари томонидан спорт турлари бўйича ўрнатилган жаҳон рекордларини тасдиқлаш учун халқаро спорт ташкилотларига юбориладиган тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

Вазирликнинг самарали фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) фаолияти мониторингини амалга оширади ва уни ривожлантиришга ёрдам беради;

республикада ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш мониторингини амалга оширади, республикада ёшлар сиёсати ва спортни янада ривожлантириш бўйича ҳар йилги прогнозларни шакллантиради;

истеъдодли ва истиқболли спортчиларнинг танлаш, ўқитиш ҳамда малака оширишда муваффақиятли иштирок этишини, шунингдек, узлуксиз саралаш тизимини яхшилаш, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида, бошқа халқаро мусобақалар ва турнирларда муваффақиятли қатнашишни таъминлайди, спорт захираси ва терма жамоалар таркибини шакллантиради;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари ва ассоциациялари, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

халқаро спорт алоқаларини амалга оширади ва ривожлантиради;

халқаро спорт ташкилотларига ва бошқа ташкилотларга аъзолик бадаллари белгиланган тартибда тўланишини таъминлайди;

юқори малакали спортчилар ва спорт захираси тайёрланишини ошириш, спорт-таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш ҳамда республика спорт ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирларини ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикасининг спорт турлари бўйича терма жамоалари ва уларнинг захираси таркибини тасдиқлайди, Ўзбекистон спорт делегацияларини бутлайди, уларнинг халқаро спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларга тайёрланишини ҳамда иштирок этишини таъминлайди;

спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари тренерларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва федерациялар (ассоциациялар)нинг маблағлари ҳисобига халқаро мусобақалар ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларининг иштирокини таъминлаш бўйича спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг илтимосларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон ҳудудида ва унинг ташқарисида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишларни амалга оширади;

умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари ҳамда

турнирларнинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ва кенг ёритилиши бўйича ишларни амалга оширади.

## 3-§. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг вазифалари ва функциялари

14. Қуйидагилар Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўгрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўгрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўгрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирликнинг буйруқлари бажарилишининг мунтазам назоратини таъминлаш;

Вазирлик ҳудудий бўлинмаларига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

тегишли равишда Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари (кейинги ўринларда – комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сектори) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

***Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида:***

ҳудудда аҳолининг кенг қатламларини спорт машғулотларига жалб қилишга ва соғлом турмуш тарзига риоя этишга, жисмонан соғлом ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиришга, мамлакат ва минтақанинг халқаро спорт майдонларида эришган спорт ютуқларини оммалаштириш ва кенг эътироф этишга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш;

ҳудудда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим ташкилотлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, қишлоқ аҳолиси ўртасида шаҳарлар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари, халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича мусобақаларни мунтазам ўтказиш орқали спорт ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланишни оммалаштириш бўйича кенг қамровли ишларни ташкил этиш;

ҳудудда болалар, айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, бутун ҳудудда, шу жумладан, қишлоқ туманларида ҳамда чекка туманларда болалар спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш, уч босқичли мусобақалар тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” ўйинларининг ўтказилишини ташкил этиш орқали болалар спортини янада ривожлантириш, шу асосда болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг уйғун жисмоний ривожланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) вакиллари билан ҳамкорликда сифатли спорт захирасини ва Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақалар ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишни таъминлаш учун мамлакат терма жамоалари таркибини шакллантириш мақсадида иқтидорли ва истиқболли спортчиларни саралаш, тайёрлаш ҳамда маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ҳудудда профессионал спортни ривожлантиришни, халқаро илғор тажрибани инобатга олган ҳолда спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологиялар жорий қилинишини рағбатлантириш, спорт турлари бўйича минтақавий, туман (шаҳар) чемпионатлари, халқаро ва ҳудудий мусобақаларни ташкил этиш даражаси ва сифатини ошириш, спортда носоғлом рақобатга ва тақиқланган препаратлар қўлланишига қарши тизимли чора кўриш;

Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларини шакллантириш учун спортчиларни саралаш бўйича вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш;

ҳудуд календарь режасини шакллантириш ва иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) ишларини амалга ошириш мақсадида спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичларини ўтказиш;

спорт турлари бўйича ҳудудий терма жамоаларни шакллантириш, спорт мусобақалари ғолиблари ва совриндорларини республика босқичларида иштирок этишга йўналтириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, оммавий, болалар ҳамда профессионал спорт йўналишлари бўйича ҳудуд объектлари ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши ҳолати мониторингини олиб бориш, уларнинг ҳудудда ривожланиши бўйича йиллик прогнозларни шакллантириш;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида оммавий болалар спортини ҳудудда ривожлантиришни таъминлаш ҳамда болаларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга бўлган муҳаббатни сингдириш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, ҳудуднинг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт таълим-муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа мутахассислар билан таъминлашда иштирок этиш;

***Ёшлар сиёсати соҳасида:***

ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш, уларни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

ёшларга оид дастурлар, лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш учун ижтимоий буюртма шаклида ажратиладиган давлат грантлари ва субсидияларни тақсимлаш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан, илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган ёшларни ижтимоий

реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

иқтидорли ёшларни етакчи хорижий олий таълим муассасаларига таълим олиш учун юбориш, халқаро танловларда иштирок этишини таъминлаш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш;

ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш;

ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, замонавий касб-ҳунарлар, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллашлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш жараёнларига кўмаклашиш;

ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш;

ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

***Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида:***

маҳаллаларда ёшларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва спорт иншоотларини замонавий спорт жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, имконияти чекланган ёшлар учун тегишли спорт инфратузилмасини яратиш ишларини амалга оширади;

аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, улар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали ёшларнинг оммавий спортдаги улушини оширади;

оммавий спорт билан мунтазам шуғулланувчи оилаларга маҳаллалар ва истироҳат боғларида шароит яратиш ва оилавий спортни рағбатлантириш механизмларини жорий этади;

оммавий спорт тадбирлари давомида ўқувчилари ғолиб ва совриндор бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт-таълим ташкилотларининг тренерлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг фаолият олиб бориши учун шароитлар яратади;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши ҳолати мониторингини олиб боради, уларни ҳудудда янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантиради;

ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига тааллуқли бўлган дастурий-методик ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди;

ҳудудда спорт турларини ривожлантириш истиқболларини белгилайди;

ҳудуд миқёсидаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантиради ва тасдиқлаш учун киритади, манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда улар молиялаштирилиши ва ўтказилишини таъминлайди;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини оммалаштириш ишларини ташкил қилади;

ногиронлиги бўлган ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг махсус олимпиадалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ўтказиладиган бошқа спорт тадбирларида иштирок этишига кўмаклашади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

спорт турлари бўйича Ягона спорт таснифи, шунингдек, Ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг бажарилишини таъминлайди;

спорт мактабларида спорт разрядларини бериш тартибини назорат қилади;

ҳудудда спорт терма жамоалари таркибларини ва уларнинг захираси таркибини тасдиқлайди, ҳудуднинг спорт делегацияларини бутлайди, уларнинг ҳудуд, республика спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларга тайёргарлик кўришини ва иштирокини таъминлайди;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

аҳоли кенг қатламлари орасида спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга ёрдам беради;

туманлар ва шаҳарларда аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ҳамда қишлоқ аҳолиси ўртасида оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштиришни, шу жумладан, халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини мунтазам равишда ташкил қилади;

миллий спорт турлари ва Ўзбекистон халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беради, белгиланган тартибда ҳудудда миллий спорт турлари бўйича спорт мусобақалари, халқ ўйинлари бўйича жисмоний тарбия-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ишлари молиялаштирилишини таъминлайди, шунингдек, халқаро спорт майдонларида миллий спорт турларини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга ёрдам беради;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида ҳудудда болалар оммавий спорти ривожланишини ҳамда болаларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга бўлган муҳаббат сингдирилишини таъминлайди;

ҳудудда болалар спортининг моддий-техник ва ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

ҳудуднинг иқтидорли ёшлари ва спорт фахрийларининг халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловлар, фестиваллар, бошқа форумлар, спорт тадбирларига боришлари ва иштирок этишларини ташкил этишни таъминлайди;

уларнинг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, уларнинг қишлоқ туманлари ва чекка туманлардаги органлари билан ҳамкорликда уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалар тизими ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш ҳамда иштирок этишни ташкил қилади;

спорт турлари бўйича ҳудуд терма жамоалари ва уларнинг захираси таркибларини тасдиқлайди, ҳудуд спорт делегациясини бутлайди, уларнинг республика спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларга тайёргарлик кўришларини ҳамда уларда иштирок этишларини таъминлайди;

ҳудудда конференциялар, кўргазмалар ва спорт тадбирларини ўтказади;

ҳудудда спорт федерациялари (ассоциациялари) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ривожланишига ёрдам беради;

ҳудуддаги истеъдодли ва истиқболли спортчиларни саралаб олиш тайёрлаш ҳамда уларнинг маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини жорий этиш чора-тадбирлари комплексини ташкил этади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциацияларнинг ҳудудий вакиллари билан ҳамкорликда ҳудудда профессионал спортни ташкил этиш ҳамда тўла шакллантириш бўйича таклифлар киритади;

хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқлари, илгор тажриба умумлаштирилишини ҳамда бу ютуқларнинг ҳудудда жорий қилинишини таъминлайди;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўрнак кўрсатган ходимларни ҳамда ҳудудида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашган бошқа шахсларни идоравий кўкрак белгилари билан мукофотлаш ҳақида таклифлар тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

ҳудуд вакилларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришган улкан ютуқлари учун спорт унвонлари, спорт разрядлари ва малака тоифалари бериш ҳамда мукофотлаш ва Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

ҳудудда янги жисмоний тарбия-согломлаштириш ва спорт иншоотларининг қурилишини ташкил этиш ва фаолият юритаётганларини реконструкция қилиш бўйича Вазирликка асосланган таклифлар киритади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ҳудуддаги жисмоний тарбия-согломлаштириш ва спорт иншоотларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилинишини таъминлайди;

ҳудудда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлаш, тажриба орттиришга юборишни таъминлайди;

***Ёшлар сиёсати соҳасида:***

а) ёшлар билан боглиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид ягона давлат сиёсати асосларини, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга мувофиқ ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлайди, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшлар билан боглиқ соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларнинг самарали ижро этилиши мониторингини олиб боради;

демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида ёшлар ролини ошириш ишларини ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таҳлил қилади, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

б) мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш соҳасида:

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ишлар ҳолатини доимий равишда ўрганиб боради ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

илгор хорижий тажриба асосида ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

давлат органлари ва ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишидаги фаолияти юзасидан сўровлар юборади ва улар фаолиятини таҳлил қилади;

в) ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

ёшларга оид давлат сиёсати тўгрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларнинг таълим, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳалардаги фаолияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этади, зарур ҳолларда ушбу вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимларини жалб қилган ҳолда амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати тўгрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

ёшларга оид давлат сиёсати тўгрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф

этиш ҳақида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид фаолиятини таҳлил қилади, баҳолайди ва улар бўйича хулосалар тайёрлайди, шунингдек, ушбу соҳадаги ишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросининг ҳолати тўғрисидаги ахборот ва материалларни таҳлил қилади ҳамда умумлаштиради, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

г) ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш соҳасида:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз иқтидор ва истеъдодларини тўлақонли намоён этишлари ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланишларига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

ёшлар ўртасида салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган, шунингдек, ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, шу жумладан ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда бартараф этишда кўмаклашади;

д) ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш соҳасида:

ёш авлодни Ватан манфаати йўлида бирлаштириш, мамлакатимиз тарихини ва миллий қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, диний бағрикенглик ва инсонийлик туйғуларини шакллантириш чораларини кўради;

ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол вояга етказиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш бўйича кенг кўламли ташкилий, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

ёшларнинг илм-фанни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолият билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўради;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш чораларини кўради;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

е) ёшларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш соҳасида:

ёшларни турли ахборот хуружлари, радикал ғоя ва ёт мафкуралардан ҳимоя қилиш, уларнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги кафолатларини яратиш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда ёшларга руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳамда уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда зарур тадбирларни амалга оширади;

ёшлар онгида миллий ғурурни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қиладиган публицистик, чизма, фото ва видео материалларни тайёрлайди ҳамда тарғиб қилиш чораларини кўради, хорижий оммавий ахборот воситаларида турли материаллар жойлаштириш орқали мамлакатимиз ижобий имижини шакллантиради;

болаларнинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида якка тартибдаги профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

ж) ёшларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, касб-ҳунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллаши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

ёшларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари, ташаббуслари, илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар тадбиркорлиги соҳасида форум, тадбир ва ярмаркалар ўтказади, ёш тадбиркорларнинг халқаро форум ва ярмаркалардаги иштирокини таъминлайди, жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёҳатлар ташкил этади;

з) иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқади ҳамда бу борадаги тадбирлар тизимли амалга оширилишини таъминлайди, ёшлар ўртасида танлов, фестивал, форум, мусобақа ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни рағбатлантиришни ташкил этади ва амалга оширади;

ёшлар, ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, танловлар ташкил этади ва ўтказади;

ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

и) ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш соҳасида:

ёшлар ўртасида халқаро интеллектуал, спорт ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада конференция, кўргазмалар, ижодий сафарлар ташкил этиш, халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган танловлар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда иқтидорли ва истеъдодли ёшлар иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

илғор халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган тизимли ишларни амалга оширади, мамлакатнинг ёшлар сиёсатига оид халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш чораларини кўради;

хорижда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ёшлар билан мулоқотлар олиб боради, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тизимли ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таклифлар тайёрлайди ҳамда бу борада ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилади.

## 4-боб. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги

### 1-§. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

16. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва унга идоравий мансуб бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсатлари мажлисларида тегишлилиги бўйича масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахборотни давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистика ахборотини давлат статистика органларидан текин олиш;

Вазирлик ва унга идоравий мансуб бўлган тузилмаларнинг давлат мол-мулкини ташкилий тузилма доирасида текин фойдаланиш ҳуқуқи билан белгиланган тартибда бир бўлинмадан иккинчисига бериш;

Вазирлик ва унга идоравий мансуб бўлган ташкилотлар ходимларини тегишли соҳада улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда моддий рагбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

ёшлар сиёсати ва спортни, жумладан, спорт инфратузилмасини ривожлантириш ва оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш доирасида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш тўгрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юбориш;

ёшлаор сиёсати ва спортни мамлакатда, шу жумладан, ҳудудларда ривожлантириш бўйича ишлар ва лойиҳаларни молиялаштиришга оид давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг харажатлар сметаларини кўриб чиқиш ва келишишда иштирок этиш;

маслаҳатлар бериш, илмий ва экспертлик ишларини ўтказиш, ёшлар сиёсати ва спортнинг долзарб масалаларини ишлаб чиқиш учун шартнома асосида олимларни, вазирликлар, идоралар, таълим ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, Вазирлик тизимига кирувчи таълим ташкилотларида дарс бериш ва маҳорат дарслари ўтказиш учун хорижий спорт намояндаларини шартнома асосида таклиф қилиш;

оммавий спорт ва жисмоний тарбия-согломлаштириш тадбирлари ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

Вазирлик тизимига кирувчи спорт ташкилотлари ва таълим ташкилотлари, шунингдек, спорт федерациялари (ассоциациялари) учун зарур техник ускуна, спорт ускуналари, инвентарь, спорт кийим-боши ва бошқа зарур жиҳозларни марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

халқаро ва республика чемпионатлари, кубоклар, турнирларни, шунингдек, оммавий-спорт тадбирларини ўтказишда голиб ва совриндорларни, номинантларни мукофотлаш учун зарур миқдорда медаллар, дипломлар, кубоклар ва совринларни марказлаштирилган тартибда харид қилиш;

спортчилар, тренерлар ва ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларга, шунингдек, спорт муассасаларининг спорт жамоаларига спорт унвонлари ва малака тоифаларини бериш, уларни кубоклар, медаллар, значоклар, кўкрак нишонлари, дипломлар, ёрлиқлар ва совринлар билан мукофотлаш;

жисмоний тарбия-согломлаштириш, спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларни ўтказиш, турли танловлар, спорт мусобақалари ва бошқа йўналишлар бўйича жисмоний тарбия ва спорт намояндаларини тайёрлаш;

ўз ваколати доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шу каби тадбирларда иштирок этиш;

ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан белгиланган тартибда алоқаларни йўлга қўйиш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини таргиб қилувчи реклама ва бошқа тусдаги маҳсулотларни реклама тусидаги аудио, видео материаллар, рисола, хариталар ва бошқа реклама-ахборот материалларини чоп этиш, нусхасини кўпайтириш, яратиш учун буюртмаларни мустақил равишда ёки идоравий мансуб ташкилотлар орқали жойлаштириш;

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда, Вазирликнинг марказий аппарати ва идоравий мансуб бўлинмаларида ишлаш учун ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги етакчи хорижий мутахассисларни шартномалар асосда жалб қилиш;

ўз тизимида ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасаларининг устав жамгармаларини шакллантириш ҳамда тўгридан-тўгри тузиладиган шартномалар асосида уларнинг уставларига мувофиқ улар томонидан етказиб бериладиган товарлар, ишлар (хизматлар) учун тўловларни амалга ошириш;

алоҳида фидокорлик, меҳнатсеварликни намоён қилган, ўзининг профессионал фаолиятида юксак натижаларга эришган ёшлар сиёсати ва спорт намояндалари ва ходимларининг номзодларини белгиланган тартибда давлат мукофотларига тақдим этиш.

Вазирлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Вазирлик:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат сиёсати самарали амалга оширилиши;

Вазирлик фаолияти билан боглиқ прогноз кўрсаткичларига сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа

ҳужжатларнинг ишлаб чиқиладиган лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқларнинг сифати;

Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини ривожлантириш, шунингдек, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

**2-§. Вазирлик марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

18. Вазирликнинг марказий аппарати ўзига юкланган қуйидаги вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидан ва унга идоравий мансуб ташкилотлардан таҳлил қилиш ва қайта ишлаш учун зарур бўлган масалалар бўйича материаллар ва маълумотларни, шунингдек, Вазирликнинг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;

Вазирликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарур бўлганда Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва унга идоравий мансуб бўлган ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини белгиланган тартибда жалб қилиш, шу мақсадда эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан улар томонидан киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлашни талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни қайта ишлаш учун қайтариш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарларига тезлик билан ҳал қилиниши талаб этиладиган ва Вазирликка юкланган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан топшириқлар бериш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Вазирликнинг буйруқлари Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан бажарилиши юзасидан уларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш;

Вазирликнинг ҳар йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасини шакллантириш;

Вазирлик марказий аппаратининг бошқармалари ва ходимларининг фаолиятини тасдиқланган лавозим йўриқномаларига мувофиқ ташкил этиш;

Вазирликнинг таркибий ташкилотлари ва муассасаларидаги бошқармаларнинг фаолиятига доир масалалар ўрганилишини ташкил қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида бухгалтерия ҳисоби юритилиши ташкил этилишини таъминлаш, шунингдек, замонавий техника воситалари ва ахборот

технологияларидан фойдаланган ҳолда, тизимга кирувчи ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби юритилишини назорат қилиш;

бюджет ва бюджетдан ташқари маблаглар харажатлар сметасига киритилган аниқ вазифаларга мақсадли сарфланиши, шунингдек, маблаглар ва моддий бойликларнинг сақланишини мунтазам назорат қилиш;

асосий воситалар ва бошқа моддий бойликларни улар сақланадиган жойларда мавжудлигини ва улардан фойдаланишни мунтазам назорат қилиш;

ўрганилаётган тузилмаларга юкланган вазифалар амалга оширилишини сифатли ўрганишни ва мониторинг олиб боришни ташкил этиш мақсадида комиссиялар, ишчи ва эксперт гуруҳлар тузиш;

илмий ва экспертлик ишларини амалга ошириш, маслаҳат бериш, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги долзарб масалаларни ишлаб чиқиш учун олимларни, Вазирликлар, маъмурий, таълим ташкилотлари ва бошқа муассасаларнинг юқори малакали мутахассисларини таклиф этиш, шунингдек, Вазирлик тизимига кирувчи таълим ташкилотларида дарс бериш ва маҳорат дарслари ўтказиш учун хорижий спорт мутахассисларини таклиф этиш;

оммавий-спорт ва спорт-согломлаштириш тадбирлари ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

идоравий мансуб спорт ташкилотлари учун зарур спорт ускуналари, инвентарь, спорт формаси ва бошқа зарур жиҳозларни харид қилиш;

чемпионатлар, кубоклар, турнирлар, шунингдек, оммавий мусобақаларнинг голиб ва совриндорларини мукофотлаш учун зарур миқдорда медаллар, дипломлар, кубоклар ва совринларни харид қилиш;

спортчилар, тренерлар ҳамда ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни мукофотлаш, уларга спорт унвонлари ва малака тоифаларини бериш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

спорт, спорт-согломлаштириш ва оммавий тадбирлар ўтказилишини, шунингдек, ёшлар сиёсати ва спорт вакилларининг, жумладан, идоравий мансуб ташкилотларда ўтказиладиган турли танловлар, спорт беллашувлари ва бошқа тадбирларга тайёргарлик кўриши ва иштирокини молиялаштириш ҳуқуқига эга.

Вазирликнинг марказий аппарати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Вазирликнинг марказий аппарати:

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик фаолияти билан боглиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича Вазирлик марказий аппарати бўлинмаларининг ишини ташкил этиш;

Вазирлик томонидан кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқларнинг тайёрланиши сифати учун;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатлар таркибий

ва ҳудудий бўлинмалар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш учун жавоб беради.

### 3-§. Вазирликнинг ички аудит бошқармасиининг мақоми, вазифаси, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

20. Вазирликнинг ички аудит бошқармасининг мақоми:

1) Ички аудит бошқармаси Вазирликнинг таркибий бўлинмаси бўлиб, вазирликда ички аудит фаолиятини амалга оширишга масъул ҳисобланади ҳамда тўғридан-тўғри вазирга бўйсунади ва унинг олдида ҳисобот беради;

2) Ички аудит бошқармаси вазирликнинг асосий фаолияти натижаларига жавобгар ҳисобланмайди;

3) Ички аудит бошқармаси томонидан ички аудит мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун ички аудит объектларида, шу жумладан, фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали аниқланган объектларда ички аудит тадбирларини ўтказади, натижаларини расмийлаштиради ҳамда таклиф ва тавсиялар тайёрлайди.

Ички аудит тадбирлари вазирлик раҳбари томонидан тасдиқланган ички аудит йиллик режаси асосида ўтказилади.

4) Ички аудит бошқармаси ходимлари томонидан ички аудит тадбирлари ички аудитнинг миллий стандартлари ва ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси асосида ўтказилади;

5) Ички аудит бошқармаси ходими лавозимига ички аудит бўйича миллий малака сертификатига эга бўлган шахслар қабул қилинади. Малака сертификатига эга бўлмаган шахсларнинг ички аудит хизматининг ходими лавозимига ишга қабул қилишга ҳамда уларнинг ушбу тизимларда фаолият юритишига йўл қўйилмайди;

6) Ички аудит бошқармасининг асосий мақсади вазирликда бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини профилактика қилиш, бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш ҳамда ички аудит фаолияти соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат;

7) Қуйидагилар Ички аудит бошқармаси асосий вазифалари ҳисобланади:

бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бюджет ҳисобининг юритилиши ҳамда молиявий ҳисоботлар шакллантирилишини ўрганиш орқали бюджет интизомини мустаҳкамлаш;

масофавий аудитни қўллаган ҳолда, бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш;

ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш;

вазирликни молиялаштириш жараёнига ахборот технологиялари татбиқ этилишини баҳолаш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

8) Ички аудит бошқармаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бюджет ҳисобининг юритилиши ҳамда молиявий ҳисоботлар шакллантирилишини ўрганиш орқали бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича:

бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш жараёнини, яъни харажатлар сметаси ва жамланма харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси, штатлар жадвали ҳамда уларга қўшимча ҳужжатларни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартиби ва жараёнларини ўрганади ва баҳолайди;

бюджет тизими бюджетлари маблағларининг уларни олиш (улардан фойдаланиш) шартларига мувофиқ бўлган мақсадларга йўналтирилишини ўрганади;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этган ҳолда, тўловлар амалга оширилишини таҳлил қилади;

бюджетдан ажратиладиган маблағлар нормативларга мувофиқ харажатлар сметасига киритилишини ўрганади;

ходимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сонига, ходимларнинг тоифалари ўртасидаги ўзаро нисбат нормативларига, намунавий штат нормативларига, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига, тарификация рўйхатларини тузишнинг белгиланган тартиби ва нормативларига риоя этилишини ўрганади;

кўрсатилаётган давлат хизматлари турлари ва сифатини ўрганиш орқали маблағлар иқтисод қилиниши ва мақбуллаштирилиши бўйича таклиф тайёрлайди;

молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги, асосланганлиги, тўлиқлиги ҳамда тўғри шакллантирилганлигини ўрганиш орқали улар юзасидан раҳбариятга ишончли маълумотлар тақдим этади;

асоссиз дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик юзасидан мавжуд дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳолати ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда манбаларини ўрганиш орқали барча турдаги дебитор ва кредитор қарздорликларни қисқартириш ва уларнинг юзага келишига йўл қўймаслик чораларини кўриш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

активлардан фойдаланиш ва уларнинг сақланишини баҳолаш орқали уларни доимий бутлиги ва ишга яроқлилигини ўрганади ҳамда уларнинг натижалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

аниқланган бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари статистикасини юритади ва улар юзасидан вазирлик раҳбарини хабардор қилиб боради;

давлат харидларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини ҳамда харид комиссиялари фаолиятини ўрганади;

харид қилинган товарлар мақсадга мувофиқлиги, тўғри кирим килиниши, улардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ўрганади;

хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки тегишли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарликлари бажарилишини ўрганади;

фаолият ва уни молиявий таъминлашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этмаслик ҳолатлари мавжудлиги эҳтимолини ўрганади;

бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари бўйича ўз ваколатлари доирасида тушунтириш ва тавсиялар беради;

ички аудит тадбири натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан киритилган таклиф ва тавсиялар бажарилишини назорат қилади;

давлат молиявий назорат органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик қилади;

молия-бухгалтерия ходимлари таркибини мустаҳкамлаш масалалари бўйича тавсиялар тайёрлайди;

б) масофавий аудитни қўллаган ҳолда, бюджет маблагларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш орқали бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш бўйича:

масофавий аудитни кенг кўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида ички аудит объектлари ва йўналишларини аниқлаш йўли билан ички аудит тадбирлари самарадорлигини оширади;

хавф таҳлилини амалга ошириш орқали маблаглардан самарасиз фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

молиявий таъминлашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзаро номувофиқликлар, камчиликлар ва бўшлиқларни аниқлаш орқали уларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

давлат молиявий назорат органлари томонидан ўтказилган молиявий назорат ва ташқи аудит натижалари бўйича аниқланган бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларига келгусида йўл қўймаслик ва олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бюджет ташкилотларида бюджет маблаглари бошқарилиши ва бюджет ҳисоби юритилишини махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида мониторинг қилади;

махсус ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, тендер (танлов) савдоларининг ўтказилиши ва шартномалар тузилишини мониторинг қилади;

бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикаси ва уларнинг олдини олишни назарда тутадиган истиқболли йўналишлар бўйича таклифлар беради;

молиявий-иқтисодий масалаларга тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида вазирлик вазифаларининг тўлиқ ҳажмда, ўз муддатида ва сифатли бажарилишини, иқтисодий тежамкорлик, молиявий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан кўриб чиқади;

молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш мақсадида масофавий аудитнинг махсус модулларини ишлаб чиқиш ва дастурий мажмуаларга жойлаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

соҳага оид семинарлар, тренинглар ва бошқа шу каби тадбирларда иштирок этади ва/ёки уларни ташкил қилади;

в) ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали бюджет харажатларининг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш бўйича:

вазирликнинг ривожлантириш дастурларининг самарадорлик (мақсадли) индикаторлари ижроси натижаларини таҳлил қилади ва баҳолайди ҳамда соҳага таалуқли самарадорликнинг янги индикаторларини жорий этиш юзасидан таклифлар киритади;

давлат қарзи ва грантлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини ўрганади;

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларини мониторинг қилади;

вазирликнинг вазифаларини бажариш учун шакллантирилган таркибий тузилма ва унинг таркибидаги лавозимлар, бўйсунув ва ҳисобдорликни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлайди;

вазирликнинг такрорланувчи ва самарасиз вазифа ҳамда функцияларини аниқлаш ва баҳолаш орқали уларни оптималлаштириш, давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритишни йўлга қўйиш ёки тўлиқ хусусий секторга ўтказиш бўйича таклиф ва тавсиялар беради;

мавжуд моддий, молиявий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда юқори натижадорликка эришиш, хусусан, қўшимча фаолиятни ташкил этиш орқали бюджетдан ташқари жамгармаларга даромадларни шакллантириш ва ошириш имкониятлари бўйича таклиф киритади;

бюджетдан ташқари жамгармаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш юзасидан таҳлиллар ўтказиш орқали даромадларни ошириш ва маблағлардан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бюджет тизими бюджетларидан субсидиялар ажратилиши мақсадга мувофиқлигини, ажратилаётган субсидияларнинг мақсадлилиги ва манзиллилигини ҳамда самарадорлигини баҳолайди;

г) вазирликни молиялаштириш жараёнига ахборот технологиялари татбиқ этилишини баҳолаш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича:

дастурий таъминотлар ва ахборот технологияларининг татбиқ этилиш ҳолатини баҳолайди ҳамда вазирлик фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини ўрганади;

дастурий таъминотлардан олинадиган молиявий маълумотлар тўғри ва тўлиқ шаклланганлигини баҳолайди;

дастурий мажмуалардан фойдаланиш тартиблари, босқичлари ва жараёнлари самарадорлигини баҳолаш орқали уларни мақбуллаштириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни татбиқ этиш орқали фаолиятнинг янада самарадор ва натижадор бўлишини таъминлашга қаратилган таклифлар тайёрлайди.

9) Ички аудит бошқармаси ички аудит ва қисқа муддатли мониторингларни ўтказиш, шунингдек, ўтказилган ички аудит ва қисқа муддатли мониторинг натижалари тўғрисида ҳисоботлар тайёрлашда мустақилдир;

10) Ички аудит бошқармаси Вазирликнинг барча ички ҳужжатлари талабларига риоя этади (ваколати доирасига кирмайдиган ҳужжат талаблари бундан мустасно).

21. Ички аудит бошқармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички аудит фаолиятини амалга ошириш билан боглиқ бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни электрон, огзаки ва ёзма шаклда сўраш ва олиш;

ўз ваколатларини мустақил равишда, фақат қонунчилик ҳужжатларига бўйсунган ҳолда амалга ошириш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун реал вақт режимида давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базасидан фойдаланиш;

ички аудит объекти мансабдор шахси ҳамда ички аудит тадбири ўтказилаётган соҳага масъул бўлган шахслардан юзага келаётган масалалар бўйича тушунтириш олиш;

ички аудит объектларининг тегишли ходимларидан ички аудит тадбирлари натижалари бўйича ҳужжатларни имзолашни сўраш;

давлат молиявий назорат органлари билан ички аудит объекти фаолиятига доир маълумотларни алмашиш;

ички аудит фаолиятини амалга оширишда махсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун вазирликнинг бошқа тузилмасидаги мутахассисларни жалб этиш;

ички аудит тадбирларини ўтказиш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳолларда, ички аудит объектининг барча биноларига, шунингдек, электрон ва қогоз архивлари ҳамда дастурий мажмуаларига кириш ва улардан фойдаланиш;

вазирлик томонидан чақириладиган молиявий-иқтисодий масалаларга тегишли йигилишларда иштирок этиш;

жиноят аломатлари аниқланган ҳолларда, касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар ва бошқа биноларни мухрлаш, қалбакилаштириш, сохталаштириш ва бошқа суистеъмолликлар аломатлари аниқланган тақдирда, ички аудит объектидан тегишли ҳужжатларни олиб қўйиш, шунингдек, вазирликнинг мансабдор шахсларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблаглари ва ҳисоб-китоблар хатловдан ўтказилишини талаб қилиш;

ички аудит фаолияти натижаларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан, аудио-фото ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиш;

Ички аудит бошқармаси ходими билан ички аудит тадбирларини ўтказишга йўл қўйилмайдиган ҳолатлар юзага келган тақдирда, ички аудит тадбирини ўтказишни рад этиш, тўхтатиш;

вазирлик тизимидаги молиявий-иқтисодий масалалар бўйича тузилмалар билан ҳамкорликда ходимларнинг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

ички аудит фаолиятига тааллуқли бўлган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун вазирлик раҳбарларига киритиш.

Ички аудит хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Ички аудит бошқармаси:

ички аудит фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш, ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

ички аудит тадбирларини холис, субъектив фикрларнинг таъсир қилишига йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш;

ички аудит хизмати ходимлари томонидан ички аудит хизмати обрўсига путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширмасдан ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда ички аудит тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;

аниқланган бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари, молиявий хато ва камчиликлар, мақсадсиз ва ноқонуний харажатлар, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомади юзасидан тўғридан-тўғри вазирлик раҳбарига хабар бериш;

жиноят аломатлари, коррупцияга доир ҳуқуқбузарликлар аломатлари (шу жумладан, ички аудит тадбирини амалга оширган шахслар томонидан) аниқланган тақдирда, тегишли чоралар кўриш (ҳужжатлаштириш, олдини олиш чораларини кўриш) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга материалларни юбориш юзасидан вазирлик раҳбарини хабардор қилиш;

ички аудит фаолияти натижаларига доир ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, асослилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

ички аудит фаолиятини амалга оширишда ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилиш;

ички аудит тадбирлари натижаларини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

олинган ҳужжатларнинг бут сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

мунтазам равишда ички аудит тадбири натижалари юзасидан вазирлик раҳбарига маълумотлар киритиш;

“Давлат аудити” дастурига ички аудит тадбирлари режалари киритилишини, барча ички аудит тадбирлари рўйхатдан ўтказилишини ва уларнинг натижалари, бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари ижросини баҳолаш натижалари киритилишини таъминлаш;

бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини, уларни содир этишга имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ички аудит объектларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

бир иш куни ичида ўзи аниқлаган ва ваколати доирасида ҳал этиш имкони бўлмаган бюджет тўгрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясини хабардор қилиш;

хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва тегишли даражада бажармаганлик учун «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясини хабардор қилиш;

ички аудит тадбирида аниқланган бюджет тўгрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг қилиб бориш;

ички аудит тадбирларини ўтказиш вақтида сўралган ҳужжат ва материалларни вазирлик мансабдор шахслари томонидан тақдим этмаслик ҳолатлари бўйича далолатномалар тузиш;

ички аудит объекти мансабдор шахсларининг тушунтиришлар бериш ва ички аудит тадбири натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатларни имзолашдан бош тортганликлари тўғрисида далолатнома тузиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўгрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъи риоя қилиш;

давлат, тижорат ва хизмат сирларини ошкор этмаслик;

белгиланган вазифа ва функцияларини бажаришда коррупция ҳолатларининг, шу жумладан, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чораларини кўриш;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб бориш, ички аудит тадбирлари бўйича тўпланган ҳужжатларнинг нусхасини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатда сақлаш ҳамда ҳисобини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ўз фаолияти юзасидан сўралган бошқа маълумотларни тақдим этиш бўйича мажбуриятларга эга.

Ички аудит бошқармаси ўтказилган ўрганиш ва текширувлардан сўнг назорат органлари томонидан аниқланган хато-камчиликлар учун шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.

## 4-§. Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўлимининг мақоми, вазифаси, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

23. Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) ҳуқуқий мақоми:

1) Бўлим Вазирликнинг таркибий бўлинмаси бўлиб, вазирликда коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади ҳамда тўғридан-тўғри вазирга бўйсунади ва унинг олдида ҳисобот беради;

2) Бўлим раҳбари вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик деб юритилади) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади;

Бўлим раҳбарини лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади;

Бунда, вазирлик томонидан Агентликка вазирлик раҳбарининг Коррупцияга қарши курашиш бўлими раҳбарини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади;

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади;

3) Бўлимнинг асосий мақсади ташкилотда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, вазирлик тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, вазирлик тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат;

4) Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш;

5) Бўлим ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун вазирлик раҳбарига киритади;

вазирликнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назаридан баҳолайди ва хулосалар беради;

вазирликда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб боради.

б) вазирликда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

вазирликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва ташкилотда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

вазирлик томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали вазирлик ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қилади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

вазирликда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қилади;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва вазирлик билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

вазирлик ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қилади ва таҳлилий материалларни вазирлик ходимларига етказади;

вазирлик фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида вазирликда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

ҳар чоракда ва вазирлик раҳбари талабига кўра вазирликда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида вазирлик раҳбарига маълумот киритиб боради;

в) вазирликда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида вазирликка юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 Коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

вазирлик ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этади;

вазирлик ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ вазирликнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилади;

вазирлик тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

вазирликнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

вазирлик тизимидаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ташкилотнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

вазирлик тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

вазирлик тизимидаги коррупцияга қарши курашишга масъул тузилма (шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

вазирлик фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказади;

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан вазирлик зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади;

6) Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи фаолият юритаётган вазирлик ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида вазирлик ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

вазирлик тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

вазирлик раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида вазирлик тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

вазирликнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Бўлим қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин;

7) Бўлим ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги мажбуриятларга эга:

ушбу вақтинчалик Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

вазирлик тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан вазирлик раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

ҳар чоракда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисоботни Агентликка тақдим этиш.

Бўлим ходимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 5-§. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

24. Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари уларга юкланган қуйидаги вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмаларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

ёшлар сиёсати ва спортни ҳамда спорт инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш доирасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш тўгрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юбориш;

ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш масалаларида, шу жумладан, ҳудудларни ривожлантириш бўйича ишлар ва лойиҳаларни молиялаштириш масалаларида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг харажатлар сметаларини кўриб чиқиш ва келишишда иштирок этиш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги долзарб масалаларни ишлаб чиқиш учун олимларни, Вазирликлар, маъмурий, таълим ва бошқа ташкилотлар юқори малакали мутахассисларини таклиф этиш, шунингдек, Вазирлик билан келишган ҳолда, идоравий мансуб таълим ташкилотларида дарс бериш ва маҳорат дарслари ўтказиш учун хорижий спорт мутахассисларини таклиф этиш;

оммавий-спорт ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

туманлар (шаҳарлар) миқёсидаги чемпионатлар, кубоклар, турнирлар, шунингдек, оммавий мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини мукофотлаш учун медаллар, дипломлар, кубоклар ва совринларни харид қилиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

ҳудуддаги спортчилар, тренерлар ва ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни мукофотлаш, шунингдек, уларга спорт унвонлари ва малака тоифаларини бериш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

спорт, спорт-соғломлаштириш ва оммавий тадбирлар ўтказилишини, шунингдек, ҳудуднинг ёшлар сиёсати ва спорт вакилларининг, шу жумладан, идоравий мансуб ташкилотлар томонидан ўтказиладиган турли танловлар, спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларга тайёрлашни ва иштирок этишни молиялаштириш;

фестиваллар, танловлар, оммавий-спорт ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, бошқа мутахассисларни эсдалик медаллари, дипломлар, кубоклар ва қимматли совринлар билан мукофотлаш бўйича Вазирликка таклифлар киритиш;

ҳудудда ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини тарғиб қилувчи реклама ва тарғибот маҳсулотларини (ҳудудда ёшлар сиёсати ва спортни янада оммалаштиришга қаратилган реклама тусидаги аудио ва видео материаллар, рисолалар, хариталар ва бошқа реклама материалларини) тайёрлашга буюртма бериш;

ҳудуднинг ёшлар сиёсати ва спорт бўйича алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлари ва вакилларини давлат мукофотларига тақдим этиш тўғрисида Вазирликка таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари:

Вазирликнинг уларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминланиши;

Вазирликка киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларнинг сифати;

туманларда (шаҳарларда) аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантиришга доир таклифлар тайёрланиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши;

ҳудуддаги давлат мулки бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши;

ҳудудда спорт тадбирлари, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилиши учун жавоб беради.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарликка ҳам эга бўлиши мумкин.

## 5-боб. Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

26. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

якка бошчилик тамойилига асосланган ҳолда Вазирлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини янада такомиллаштириш бўйича тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

Вазирлик ва унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Вазирлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси таркибий бўлинмалари, шунингдек, тегишли Вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати йиғилишларида масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республиканинг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Вазирлик фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида" 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида сифатли бажарилиши учун таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Вазирлик ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Вазирликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

фаолият соҳасига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, улар “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўгрисида”, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилинишида ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўгрисида", “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламентига мувофиқ Вазирликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, зарурат бўлганда, бошқа Вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорларни қабул қилиш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш;

Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида" 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва "Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ҳамда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолишининг мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Вазирлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари талабларига Вазирлик ходимларининг риоя этишини таъминлашни назорат қилиш;

"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Вазирлик ҳамда унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ишини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик қилишда, шу жумладан, "ягона дарча" принципини жорий этиш орқали давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини ҳамда улардан эркин фойдаланишни ошириш ҳамда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Вазирлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирок этишини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Вазирлик марказий аппарати штат жадвалини ходимларнинг тасдиқланган штат бирликларининг белгиланган сони асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган марказий аппарат ва идоравий мансуб ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари низомларини, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар уставларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

марказий аппарат ходимларини, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари бошлиқларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирини лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси билан келишиш;

Вазирлик ҳайъатига ва марказий аппарат йиғилишларига раҳбарлик қилиш;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) билан ҳамкорликда Ўзбекистон спортчиларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши ва иштирок этиши бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш;

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, республикада профессионал спортни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича мунтазам чоралар кўрилишини таъминлаш, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва қитъа мусобақаларини ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усулларга қарши курашиш бўйича тадбирларни ўтказиш;

спорт базалари ва спорт-соғломлаштириш ташкилотларини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий корхоналар томонидан спорт асбоб-ускуналари ва инвентарлар ишлаб чиқарилиши кенгайтирилишини ташкил этиш бўйича манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган таклифлар тайёрланишини ташкил этиш;

истеъдодли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш чора-тадбирлари қабул қилинишини таъминлаш, уларнинг маҳоратини ошириш ва

селекциянинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш, уларнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида ва бошқа нуфузли мусобақаларда, шунингдек, турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш чораларини кўриш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, тегишли вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликларнинг ижро этувчи органлари, федерациялар (ассоциациялар) ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш чораларини кўриш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малака оширишни ташкил этиш, таълим ва спорт муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа мутахассислар билан таъминлаш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳаси ходимлари ва мутахассисларини уларнинг кўп йиллик ва самарали фаолияти, алоҳида ўрнак кўрсатганлиги, хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тақдимномалар белгиланган тартибда киритилишини таъминлаш ва тавсиялар бериш;

Ўзбекистон спорт делегацияларининг халқаро спорт мусобақаларида ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларда иштирокини таъминлаш;

берилган спорт унвонларини, разрядлар ва малака тоифаларини тасдиқлаш;

Вазирлар Маҳкамасига вазир маслаҳатчисини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш учун тақдимнома киритиш;

Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш бўйича халқаро тадбирларда вакилларнинг Ўзбекистон Республикаси номидан иштирокини таъминлаш.

Вазир қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал вазифаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

27. Қуйидагилар вазир биринчи ўринбосарининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

Вазир вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

давлат бошқаруви органи фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг иш режаларини тасдиқлаш, улар бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўгрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Вазирлик раҳбари томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун виза қўйиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек,

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Вазирлик раҳбари топширигига биноан иштирок этиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўгрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблаглардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар фаолияти соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Вазирга киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Вазирлик ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари талабларига Вазирлик ходимларининг риоя этишини таъминлашни назорат қилиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиш тўгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) фаолияти мониторингини олиб бориш ва ривожлантириш;

Вазирликнинг Халқаро ва республика даражаларидаги спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларнинг календарь режасини шакллантиришда иштирок этиш, уни манфаатдор ташкилотлар ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириш;

спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг куч-қуввати сарфларини қоплаш ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул маблағлари билан таъминлаш Республика комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилиш;

республикада ёшлар сиёсати ва спорт соҳаси ривожлантирилишини мониторингини олиб бориш, республикада ёшлар сиёсати ва спортни янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантириш;

Ўзбекистон спортчиларини Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш бўйича қабул қилинган дастурлари бажарилишини таъминлаш, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ва федерациялар (ассоциациялар) билан ҳамкорликда спортчиларнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида самарали иштирок этиши чора-тадбирларини амалга ошириш;

истеъдодли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини оширишда, Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида ва бошқа халқаро мусобақалар ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш, спорт захиралари ва терма жамоалар таркибини шакллантириш;

мамлакатда профессионал спортни ривожлантиришни рағбатлантириш, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда замонавий технологияларни спорт тайёргарлиги жараёнига жорий этиш, спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақаларни ташкил этиш, носоғлом спортда носоғлом ҳодисаларга ва тақиқланган субстанциялар ва (ёки) тақиқланган усуллардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон спорт терма жамоалари ва уларнинг спорт захираси таркибини шакллантириш, Ўзбекистон спорт делегацияларини бутлаш, уларни халқаро спорт мусобақаларига ва ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги оммавий тадбирларга тайёрлашни ва иштирок этишини таъминлаш;

спорт соҳасидаги халқаро алоқаларни амалга ошириш ва ривожлантириш, халқаро спорт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

юқори малакали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш, олий спорт маҳорати мактабларини ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;

спортчиларга республика спорт унвонлари ва тоифалар бериш бўйича Малака комиссиясига раҳбарлик қилиш;

тренер-ўқитувчилар ва инструктор-методистларга малака тоифалари бериш бўйича Малака комиссиясига раҳбарлик қилиш;

ёшлар сиёсати ва спортни янада ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича халқаро, республика ва миллий спорт ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни таъминлаш.

28. Қуйидагилар Вазир ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

Вазир вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўгрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўгрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат

бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

спорт ҳакамларига малака тоифалари бериш бўйича Малака комиссияга раҳбарлик қилиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни кейинчалик кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Вазирнинг топширигига биноан иштирок этиш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини takомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасига тегишли масалалар бўйича Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни Вазирга киритиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни Вазирга киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларининг кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни оширишга доир таклифларни Вазирга киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

29. Қуйидагилар Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Вазирлик раҳбарининг мутасаддилик қиладиган ўринбосарларига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирлик таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-

тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида" 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида" 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-адбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида" 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

ҳайъат қарорлари ҳамда буйруқлар, Вазир ва унинг ўринбосарлари топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

таркибий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар юзасидан қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Вазирлик раҳбариятига таклифлар тақдим этиш, профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий бўлинмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик

раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, Вазирлик раҳбариятининг топшириги бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси аппаратида ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўгрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўгрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ–3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблаглардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йигилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, таркибий бўлинмалар ходимлари ушбу қоидаларга риоя этишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, таклифларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;

уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўгрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўгридан-тўгри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини

тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

халқаро ҳамда республика миқёсидаги спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг ҳар йили тасдиқланадиган спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларининг республика календарь режасини шакллантиришда иштирок этиш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятини тасдиқланган лавозим мажбуриятларига мувофиқ ташкил қилиш;

бошқармалар ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Вазирлик раҳбариятига таҳлилий материаллар тайёрлаш;

Вазирликнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини ўрганишни ташкил этиш ва уларга амалий кўмаклашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

30. Қуйидагилар Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Вазирликнинг буйруқлари билан юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими

самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида" 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда "Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида" 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, буйруқлари, Вазир ва унинг ўринбосарларининг топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Ёшлар сиёсати ва спорт соҳасига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, ҳудудий бўлинмаларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Вазирлик ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва ўз ўринбосарларининг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бўлинмаларнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Вазирлик марказий аппарати номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, ҳудудий бўлинмаларга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

ҳудудий бўлинмалар ходимларини, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий бўлинмалар ходимлари томонидан Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳудудий бўлинмалар тизимида "Коррупцияга қарши курашиш

тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ҳудудий бўлинмалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Вазирликка киритиш;

ҳудудий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Вазирликка киритиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалар таркибига кирадиган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган барча мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

ҳудудий бўлинмалар ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Вазирликка киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

## 6-боб. Вазирлик раҳбарларининг жавобгарлиги

31. Вазир:

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу вақтинчалик Низомнинг 16-бандида назарда тутилган Вазирликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу вақтинчалик Низомнинг 25-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

32. Вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари:

Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларида Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 17-бандида назарда тутилган мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг тегишли равишда 26 ва 27-бандларида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

33. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари;

тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган Вазирлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 28-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари раҳбарлари:

ҳудудий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши;

ушбу Низомнинг 23-бандида назарда тутилган ҳудудий бўлинмаларнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 29-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## 7-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

### 1-§. Вазирлик раҳбарияти

35. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси маъқуллагандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Вазир раҳбарлик қилади.

Вазир ўз мақомига кўра Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси ҳисобланади.

36. Вазирнинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

37. Вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

38. Вазир бўлмаган вақтда, унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига биноан унинг ўринбосарлари томонидан бажарилади.

39. Қуйидагилар:

Вазирнинг маслаҳатчиси (хорижий маслаҳатчилар ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчидан ташқари) вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири Вазир билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари бошлиқлари – вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Вазир томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорат мактаблари директорлари Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаблари ҳамда спорт мактаблари директорлари вазирлик билан келишган ҳолда тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

40. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг маслаҳатчиси (хорижий маслаҳатчилардан ташқари) мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

41. Вазир Вазирлик тизимига кирадиган идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади.

42. Вазир Вазирлик марказий аппаратининг бошқармалари ва бўлимлари, ҳудудий бўлинмалар тўғрисидаги низомни, идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.

### 2-§. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

43. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

44. Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилган ҳолда:

топшириқларни ҳудудий бўлинмаларга ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларига ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот

материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чоралар кўради;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Вазирликнинг ҳудудий органлари ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этади, ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

45. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Вазирлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради;

фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида аниқланган ишдаги камчиликларни ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўгрисида маълумот беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирликнинг марказий аппаратига тақдим этади;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, аҳолининг мавжуд долзарб муаммоларини бартараф этиш юзасидан Вазирликнинг марказий аппаратига таклифлар киритади;

комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўгрисида хабар беради.

46. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Вазирнинг топширигига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, бу борадаги қарор бевосита Вазир томонидан қабул қилинади.

### 3-§. Вазирликнинг давлат бошқарувининг бошқа органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

47. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқарувининг бошқа органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

48. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат бошқарувининг бошқа органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳудудий бўлинмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

49. Вазирлик Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибиятига бириктирилган ташкилотлар рўйхатига киради ва (ёки) унинг фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан мутасаддилик қилинади.

## 4-§. Вазирлик ҳайъати

50. Вазирликда Вазир (Ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари, маслаҳатчилари (шунингдек, хорижий маслаҳатчилар лавозими бўйича), шунингдек, Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарлари ҳамда Вазирлик тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарларидан иборат таркибда Ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

51. Ҳайъат:

Вазирлик фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

қонунчилик ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича чоралар кўрган ҳолда, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этади;

Вазирлик фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқади;

жойларда Вазирлик фаолиятига оид долзарб масалалар муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда, Ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этади, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

Вазирлик марказий аппаратига ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

Вазирлик марказий аппарати номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини оширади.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақли.

52. Ҳайъат мажлисига Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

53. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

54. Вазир ва Ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Вазир юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Шунингдек, Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини маълум қилиши мумкин.

55. Ҳайъат фаолияти тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган унинг регламенти билан белгиланади.

## 8-боб. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

56. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

57. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмалари ва (ёки) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

58. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонунчилик ҳужжатларига кўра белгиланади.

## 9-боб. Вазирликни молиялаштириш ва унинг моддий-техник таъминлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

59. Вазирлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

60. Вазирлик марказий аппаратига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган тартибда бириктирилган автотранспорт воситаси лимити ажратилиши назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларига 1 та шахсий бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспорт воситаси лимити ажратилиши назарда тутилади.

61. Вазирлик ходимларининг иш ҳақи қонунчиликда назарда тутилган лавозим маоши, мукофот пуллари, қўшимча тўловлар, устамалар ва рағбатлантириш тўловларидан ташкил топади.

62. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, Вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Вазирлик ходимларининг иш ҳақларини тўлаш ва моддий рағбатлантириш манбаи ҳисобланади.

63. Вазирлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) Вазирлик марказий аппарати ходимларига Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон

Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;
3 йилдан 5 йилгача – 0,6;
5 йилдан 10 йилгача – 0,8;
10 йилдан 15 йилгача – 1,0;
15 йилдан 20 йилгача – 1,2;
20 йилдан юқори – 1,5.

Бунда кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама тўловлари коэффициентини ҳисоблашда, Вазирлик марказий аппарати ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг мулкчилик шаклидан қатъи назар (якка тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаган давридан ташқари), барча ташкилотлардаги расмий меҳнат фаолияти даври ҳисобга олинади.

2) Вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан:

а) Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, унинг тизимидаги ташкилотлар ходимларини қўшимча рағбатлантиришга, Вазирликни сақлаш харажатлари, хизмат сафарлари харажатлари, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, соҳани рақамлаштириш, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ўтказиш ва спортни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларга;

б) ташаббускорлик ва меҳнат натижалари бўйича ҳар ойда шахсий устама тўловлари лавозим маошининг (устама ва рағбатлантириш коэффициенти ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун устамани ҳисобга олган ҳолда) – икки юз эллик фоизигача бўлган миқдорда;

в) хизмат вазифаларини сидқидилдан бажарганлиги, ижро интизомига риоя этилганлиги, ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси ва хизмат вазифаларини самарали бажариш тизимини жорий этганлиги ҳамда моддий жавобгарлиги юқори бўлган ходимларга ҳар чоракда лавозим маошининг (устама ва рағбатлантириш коэффициенти ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун устамани ҳисобга олган ҳолда) – икки юз фоизигача бўлган миқдорда.

г) Вазирлик ва тизим ташкилотлари ходимлари алоҳида муваффақиятларга эришганлиги ва муҳим топшириқларни бажарганлиги учун чорак якунлари бўйича лавозим маошининг (устама ва рағбатлантириш коэффициенти ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун устамани ҳисобга олган ҳолда) икки юз фоизигача миқдорда мукофотланади.

д) жамоа шартномасига мувофиқ меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган компенсация тўловлари ва бир йўла бериладиган мукофотларга йўналтирилади.

Мазкур бандда назарда тутилган устамалар ходим ишга кирган ойнинг кейинги ойидан бошлаб қўлланилади.

Устама ва рағбатлантириш чоралари жорий қилинадиган ходимлар тоифаси, тартиби ва уларга бериладиган устама ва рағбатлантириш миқдори Вазир томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, Вазир томонидан махсус ва шахсий устамалар белгиланиши мумкин ва уларнинг миқдори Вазир томонидан белгиланади.

Вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тўловлар ҳам тўланиши мумкин.

Бунда ушбу бандда назарда тутилган тўловлар Жамғарма молиявий ҳолатидан келиб чиқиб тўланади.

64. Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари, фаолияти (шу жумладан, ходимларни моддий рағбатлантириш) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари учун белгиланган тартибда таъминланади ва молиялаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий бош бошқармалар раҳбарлари (ходимлари) учун даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан ва бюджетнинг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан қўшимча моддий рағбатлантириш турларини (устама ҳақ, қўшимча ҳақ, мукофотлар ва иш ҳақига бошқа тўловлар) белгилаш ҳуқуқига эга.

65. Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ушбу Низомга 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ белгиланди.

## 10-боб. Вазирликнинг Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот бериши

66. Вазир Вазирликнинг фаолияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ҳисобот беради.

67. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари Вазирлик раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун уларнинг фаолияти бўйича мунтазам мониторинг олиб боради, Вазирлик фаолиятининг самарадорлигига холисона баҳо беради.

68. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Вазирликнинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

## 11-боб. Якунловчи қоида

69. Вазирлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
тўғрисидаги вақтинчалик низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги марказий аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш**

РАЗРЯДЛАРИ

| **Лавозимлар номи** | **Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар** |
|---|---|
| Вазир | 19 |
| Вазирнинг биринчи ўринбосари | 18 |
| Вазир ўринбосари | 17 |
| Вазир котибияти ва департамент бошлиқлари, вазир маслаҳатчилари | 16 |
| Бошқарма бошлиғи | 15 |
| Бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, хизмат бошлиғи, вазир ёрдамчиси | 14 |
| Бўлим бошлиғи ўринбосари, девонхона мудири | 13 |
| Бош мутахассис | 12 |
| Етакчи мутахассис | 11 |

Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги
тўгрисидаги вақтинчалик низомга
1а-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш**

РАЗРЯДЛАРИ

| **Лавозимлар номи** | **Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлар ҳудудларнинг тоифаси асосида шакллантирилади:** | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **Тоифадан ташқари** | **I тоифа** | **II тоифа** | **III тоифа** |
| Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари бошлиғи | 19 | 18 | 17 | 16 |
| Бошқарма бошлиғининг ўринбосари | 16 | 15 | 14 | 13 |
| Бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи | 14 | 13 | 12 | 11 |
| Бўлим бошлиғининг ўринбосари | 14 | 13 | 12 | 11 |
| Бош мутахассис, юрисконсульт | 12 | 11 | 10 | 9 |
| Етакчи мутахассис | 11 | 10 | 9 | 8 |

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70 - А/Ғ-сонли буйругига
14-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг вақтинчалик намунавий**
**НИЗОМИ**

Мазкур вақтинчалик Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон, 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармонлари ҳамда 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–447-сон қарорига мувофиқ Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериши тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифаларини белгилайди.

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ҳудудий бошқармалар ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат сиёсатини ҳудудда амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳисобланади.

2. Ҳудудий бошқармалар низом асосида фаолият юритади. Ҳудудий бошқармаларнинг вақтинчалик низоми мазкур вақтинчалик низом асосида ишлаб чиқилади.

3. Ҳудудий бошқармаларнинг вақтинчалик низомида ҳудудий бошқармалар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига бўйсуниши, ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган буйруқлари ҳудудий бошқарма ходимлари ва спорт таълим муассасалари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланиши, Ҳудудий бошқармаларга бўйсунувчи спорт таълим муассасалари юридик шахслар ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси

Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ғазначилик хизмати қўмитасининг ҳудудий бўлимларида шахсий газна ҳисобварақларига, банк ҳисоб рақамларига эга бўлиши, тўлиқ ва қисқартирилган расмий номланиши, жойлашган жойи (почта манзили), ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг буйруқларига, шунингдек, ушбу вақтинчалик Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилиши кўрсатилади.

4. Ҳудудий бошқармаларнинг вақтинчалик низоми Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири томонидан тасдиқланади.

## 2-боб. Ҳудудий бошқармаларнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар ҳудудий бошқармаларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларининг таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари

ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорлари ва фармойишлари, шунингдек, Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазирликнинг буйруқлари бажарилишининг мунтазам назоратини таъминлаш;

2) Вазирлик ҳудудий бўлинмаларига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш;

3) тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари (кейинги ўринларда – комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сектори) билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

4) ҳудудда аҳолининг кенг қатламларини спорт машғулотларига жалб қилишга ва соғлом турмуш тарзига риоя этишга, жисмонан соғлом ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиришга, мамлакат ва минтақанинг халқаро спорт майдонларида эришган спорт ютуқларини оммалаштириш ва кенг эътироф этишга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш;

5) ҳудудда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим ташкилотлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, қишлоқ аҳолиси ўртасида шаҳарлар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари, халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича мусобақаларни мунтазам ўтказиш орқали спорт ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланишни оммалаштириш бўйича кенг қамровли ишларни ташкил этиш;

6) ҳудудда болалар, айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, бутун ҳудудда, шу жумладан, қишлоқ туманларида ҳамда чекка туманларда болалар спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш, уч босқичли мусобақалар тизими – “Умид

ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” ўйинларининг ўтказилишини ташкил этиш орқали болалар спортини янада ривожлантириш, шу асосда болалар соғлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг уйғун жисмоний ривожланишини таъминлаш;

7) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар (ассоциациялар) вакиллари билан ҳамкорликда сифатли спорт захирасини ва Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари, жаҳон, Осиё ва Параосиё чемпионатларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақалар ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишни таъминлаш учун мамлакат терма жамоалари таркибини шакллантириш мақсадида иқтидорли ва истиқболли спортчиларни саралаш, тайёрлаш ҳамда маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

8) ҳудудда профессионал спортни ривожлантиришни, халқаро илғор тажрибани инобатга олган ҳолда спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологиялар жорий қилинишини рағбатлантириш, спорт турлари бўйича минтақавий, туман (шаҳар) чемпионатлари, халқаро ва ҳудудий мусобақаларни ташкил этиш даражаси ва сифатини ошириш, спортда носоғлом рақобатга ва тақиқланган препаратлар қўлланишига қарши тизимли чора кўриш;

9) Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларини шакллантириш учун спортчиларни саралаш бўйича вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашни ташкил этиш;

10) ҳудуд календарь режасини шакллантириш ва иқтидорли спортчиларни саралаб олиш (селекция) ишларини амалга ошириш максадида спорт мусобакаларининг ҳудудий боскичларини ўтказиш;

11) спорт турлари бўйича ҳудудий терма жамоаларни шакллантириш, спорт мусобақалари ғолиблари ва совриндорларини республика босқичларида иштирок этишга йўналтириш;

12) жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, оммавий, болалар ҳамда профессионал спорт йўналишлари бўйича ҳудуд объектлари ва иншоотларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

13) ҳудудда ёшлар сиёсати ва спортнинг ривожланиши ҳолати мониторингини олиб бориш, уларнинг ҳудудда ривожланиши бўйича йиллик прогнозларни шакллантириш;

14) ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида оммавий болалар спортини ҳудудда ривожлантиришни таъминлаш ҳамда болаларга соглом турмуш тарзига интилиш ва спортга бўлган муҳаббатни сингдириш;

15) ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш, ҳудуднинг жисмоний тарбия-согломлаштириш ва спорт таълим-муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа мутахассислар билан таъминлашда иштирок этиш;

16) ёшлар билан боглиқ соҳа ва йўналишларда ягона давлат сиёсатини, стратегик йўналишлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

17) мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

18) ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

19) ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш;

20) ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш;

21) ёшларнинг соглигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни илм-фан ва инновацияларга кенг жалб этиш;

22) ёшларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва ишбилармонлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

23) иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

24) ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш, хорижда таълим олаётган ёшлар билан олиб борилаётган ишларни тизимли йўлга қўйиш.

6. Ҳудудий бошқармалар уларга юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

маҳаллаларда ёшларнинг оммавий спорт билан шуғулланишлари учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва спорт иншоотларини замонавий спорт жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, имконияти чекланган ёшлар учун тегишли спорт инфратузилмасини яратиш ишларини амалга оширади;

аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, улар ўртасида оммавий спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали ёшларнинг оммавий спортдаги улушини оширади;

оммавий спорт билан мунтазам шуғулланувчи оилаларга маҳаллалар ва истироҳат боғларида шароит яратиш ва оилавий спортни рағбатлантириш механизмларини жорий этади;

оммавий спорт тадбирлари давомида ўқувчилари ғолиб ва совриндор бўлган умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари ва спорт-таълим ташкилотларининг тренерлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг фаолият олиб бориши учун шароитлар яратади;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириши ҳолати мониторингини олиб боради, уларни ҳудудда янада ривожлантириш бўйича ҳар йиллик прогнозларни шакллантиради;

ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига тааллуқли бўлган дастурий-методик ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди;

ҳудудда спорт турларини ривожлантириш истиқболларини белгилайди;

ҳудуд миқёсидаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантиради ва тасдиқлаш учун киритади, манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда улар молиялаштирилиши ва ўтказилишини таъминлайди;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини оммалаштириш ишларини ташкил қилади;

ногиронлиги бўлган ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг махсус олимпиадалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ўтказиладиган бошқа спорт тадбирларида иштирок этишига кўмаклашади;

ёшлар сиёсати ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

спорт турлари бўйича Ягона спорт таснифи, шунингдек, Ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг бажарилишини таъминлайди;

спорт мактабларида спорт разрядларини бериш тартибини назорат қилади;

ҳудудда спорт терма жамоалари таркибларини ва уларнинг захираси таркибини тасдиқлайди, ҳудуднинг спорт делегацияларини бутлайди, уларнинг ҳудуд, республика спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларга тайёргарлик кўришини ва иштирокини таъминлайди;

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашади;

аҳоли кенг катламлари орасида спорт ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга ёрдам беради;

туманлар ва шаҳарларда аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ҳамда кишлок аҳолиси ўртасида оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштиришни, шу жумладан, халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича мусобакалар ўтказилишини мунтазам равишда ташкил килади;

миллий спорт турлари ва Ўзбекистон халқ ўйинларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беради, белгиланган тартибда ҳудудда миллий спорт турлари бўйича спорт мусобақалари, халқ ўйинлари бўйича жисмоний тарбия-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш ишлари молиялаштирилишини таъминлайди, шунингдек, халкаро спорт майдонларида миллий спорт турларини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга ёрдам беради;

ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида ҳудудда болалар оммавий спорти ривожланишини ҳамда болаларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга бўлган муҳаббат сингдирилишини таъминлайди;

ҳудудда болалар спортининг моддий-техник ва ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

ҳудуднинг иктидорли ёшлари ва спорт фахрийларининг халкаро ва республика микёсида ўтказиладиган кўрик-танловлар, фестиваллар, бошка форумлар, спорт тадбирларига боришлари ва иштирок этишларини ташкил этишни таъминлайди;

уларнинг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, уларнинг қишлоқ туманлари ва чекка туманлардаги органлари билан ҳамкорликда уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақалар тизими ўйинларида иштирок этишга тайёрлаш ҳамда иштирок этишни ташкил қилади;

спорт турлари бўйича ҳудуд терма жамоалари ва уларнинг захираси таркибларини тасдиқлайди, ҳудуд спорт делегациясини бутлайди, уларнинг республика спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия-оммавий тадбирларга тайёргарлик кўришларини ҳамда уларда иштирок этишларини таъминлайди;

ҳудудда конференциялар, кўргазмалар ва спорт тадбирларини ўтказади;

ҳудудда спорт федерациялари (ассоциациялари) ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти ривожланишига ёрдам беради;

ҳудуддаги истеъдодли ва истиқболли спортчиларни саралаб олиш тайёрлаш ҳамда уларнинг маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини жорий этиш чора-тадбирлари комплексини ташкил этади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциацияларнинг ҳудудий вакиллари билан ҳамкорликда ҳудудда профессионал спортни ташкил этиш ҳамда тўла шакллантириш бўйича таклифлар киритади;

хорижий мамлакатларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича жаҳон илмий-техник тараққиёти ютуқлари, илгор тажриба умумлаштирилишини ҳамда бу ютуқларнинг ҳудудда жорий қилинишини таъминлайди;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ўрнак кўрсатган ходимларни ҳамда ҳудудида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашган бошқа шахсларни идоравий кўкрак белгилари билан мукофотлаш ҳақида таклифлар тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

ҳудуд вакилларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришган улкан ютуқлари учун спорт унвонлари, спорт разрядлари ва малака тоифалари бериш ҳамда мукофотлаш ва Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини бериш тўгрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

ҳудудда янги жисмоний тарбия-согломлаштириш ва спорт иншоотларининг қурилишини ташкил этиш ва фаолият юритаётганларини реконструкция қилиш бўйича Вазирликка асосланган таклифлар киритади;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ҳududдаги жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилинишини таъминлайди;

ҳududда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар малакасини оширишни, уларни қайта тайёрлаш, тажриба орттиришга юборишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид ягона давлат сиёсати асосларини, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга мувофиқ ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлайди, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшлар билан боғлиқ соҳа ва йўналишларда амалга оширилаётган давлат дастурлари ҳамда лойиҳаларнинг самарали ижро этилиши мониторингини олиб боради;

демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида ёшлар ролини ошириш ишларини ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таҳлил қилади, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ишлар ҳолатини доимий равишда ўрганиб боради ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

илғор хорижий тажриба асосида ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритади;

давлат органлари ва ташкилотларига ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишидаги фаолияти юзасидан сўровлар юборади ва улар фаолиятини таҳлил қилади;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларнинг таълим, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳалардаги фаолияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этади, зарур ҳолларда ушбу вазифаларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ходимларини жалб қилган ҳолда амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг

бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид фаолиятини таҳлил қилади, баҳолайди ва улар бўйича хулосалар тайёрлайди, шунингдек, ушбу соҳадаги ишларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари ижросининг ҳолати тўғрисидаги ахборот ва материалларни таҳлил қилади ҳамда умумлаштиради, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз иқтидор ва истеъдодларини тўлақонли намоён этишлари ҳамда имкониятларидан тўлиқ фойдаланишларига тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини кўриб чиқади, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўради;

ёшлар ўртасида салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган, шунингдек, ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади, шу жумладан ёшлар ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятда иштирок этади;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашда ҳамда бартараф этишда кўмаклашади;

ёш авлодни Ватан манфаати йўлида бирлаштириш, мамлакатимиз тарихини ва миллий қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, диний бағрикенглик ва инсонийлик туйғуларини шакллантириш чораларини кўради;

ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол вояга етказиш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш бўйича кенг кўламли ташкилий, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

ёшларнинг илм-фанни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолият билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўради;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш, беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш чораларини кўради;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

ёшларни турли ахборот хуружлари, радикал ғоя ва ёт мафкуралардан ҳимоя қилиш, уларнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги кафолатларини яратиш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда ёшларга руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳамда уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда зарур тадбирларни амалга оширади;

ёшлар онгида миллий ғурурни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қиладиган публицистик, чизма, фото ва видео материалларни тайёрлайди ҳамда тарғиб қилиш чораларини кўради, хорижий оммавий ахборот воситаларида турли материаллар жойлаштириш орқали мамлакатимиз ижобий имижини шакллантиради;

болаларнинг ҳар томонлама, уйғун ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида якка тартибдаги профилактика ишларини амалга оширишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлигига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, касб-ҳунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, рақамли иқтисодиёт кўникмаларини пухта эгаллаши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

ёшларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари, ташаббуслари, илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар тадбиркорлиги соҳасида форум, тадбир ва ярмаркалар ўтказади, ёш тадбиркорларнинг халқаро форум ва ярмаркалардаги иштирокини таъминлайди, жойлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига бизнес саёҳатлар ташкил этади;

ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқади ҳамда бу борадаги тадбирлар тизимли амалга оширилишини таъминлайди, ёшлар ўртасида танлов, фестивал, форум, мусобақа ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни рағбатлантиришни ташкил этади ва амалга оширади;

ёшлар, ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, танловлар ташкил этади ва ўтказади;

ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар ўртасида халқаро интеллектуал, спорт ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу борада конференция, кўргазмалар, ижодий сафарлар ташкил этиш, халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган танловлар, фестиваллар ва бошқа тадбирларда иқтидорли ва истеъдодли ёшлар иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

илғор халқаро тажриба асосида Ўзбекистонда ёшлар сиёсати самарадорлигини баҳолаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган тизимли ишларни амалга оширади, мамлакатнинг ёшлар сиёсатига оид халқаро рейтинглардаги мавқеини ошириш чораларини кўради;

хорижда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ёшлар билан мулоқотлар олиб боради, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган тизимли ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таклифлар тайёрлайди ҳамда бу борада ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилади.

## 3-боб. Ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Ҳудудий бошқармалар уларга юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун:

1) бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмаларидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

2) ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича таклифларни давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун киритиш;

3) ёшлар сиёсати ва спортни ҳамда спорт инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш доирасида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юбориш;

4) ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш масалаларида, шу жумладан, ҳудудларни ривожлантириш бўйича ишлар ва лойиҳаларни молиялаштириш масалаларида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг харажатлар сметаларини кўриб чиқиш ва келишишда иштирок этиш;

5) ёшлар сиёсати ва спорт соҳасидаги долзарб масалаларни ишлаб чиқиш учун олимларни, Вазирликлар, маъмурий, таълим ва бошқа ташкилотлар юқори малакали мутахассисларини таклиф этиш, шунингдек, Вазирлик билан келишган ҳолда, идоравий мансуб таълим ташкилотларида дарс бериш ва маҳорат дарслари ўтказиш учун хорижий спорт мутахассисларини таклиф этиш;

7) оммавий-спорт ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил этиш;

8) туманлар (шаҳарлар) миқёсидаги чемпионатлар, кубоклар, турнирлар, шунингдек, оммавий мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларини мукофотлаш учун медаллар, дипломлар, кубоклар ва совринларни харид қилиш;

9) ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, кўргазмалар, ярмаркалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шундай тадбирларда иштирок этиш;

10) ҳududdagi спортчилар, тренерлар ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни мукофотлаш, шунингдек, уларга спорт унвонлари ва малака тоифаларини бериш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритиш;

11) спорт, спорт-соғломлаштириш ва оммавий тадбирлар ўтказилишини, шунингдек, ҳududнинг жисмоний тарбия ва спорт вакилларининг, шу жумладан, идоравий мансуб ташкилотлар томонидан ўтказиладиган турли танловлар, спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларга тайёрлашни ва иштирок этишни молиялаштириш;

12) фестиваллар, танловлар, оммавий-спорт ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, бошқа мутахассисларни эсдалик медаллари, дипломлар, кубоклар ва қимматли совринлар билан мукофотлаш бўйича Вазирликка таклифлар киритиш;

13) ҳудудда ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ҳамкорликда ишлаб чиқиш мақсадида халқаро, хорижий ва республика ташкилотлари билан белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиш;

14) ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини тарғиб қилувчи реклама ва тарғибот маҳсулотларини (ҳудудда жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришга қаратилган реклама тусидаги аудио ва видео материаллар, рисолалар, хариталар ва бошқа реклама материалларини) тайёрлашга буюртма бериш;

15) ҳудуднинг ёшлар сиёсати ва спорт бўйича алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлари ва вакилларини давлат мукофотларига тақдим этиш тўғрисида Вазирликка таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

Ҳудудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Ҳудудий бошқармалар:

1) Уларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминланиши;

2) Вазирликка киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларнинг сифати;

3) туманларда (шаҳарларда) аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантиришга доир таклифлар тайёрланиши;

4) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшлар сиёсати ва спорт соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар,

тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида самарали амалга оширилиши, муаммоли масалалар ҳал этилиши;

5) ҳududдаги давлат мулки бўлган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши;

6) ҳудудда спорт тадбирлари, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилиши учун жавоб беради.

Ҳудудий бошқармалар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарликка ҳам эга бўлиши мумкин.

## 4-боб. Ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

9. Қуйидагилар ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва назорат қилиш, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Вазирликнинг буйруқлари билан юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

3) ҳудудий бўлинмалар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари,

давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўгрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларaро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўгрисида” 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон ҳамда “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошкарувининг бошка органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқлаш тўгрисида” 2021 йил 28 июлдаги 467-сон қарорларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

5) Вазирлик ҳайъати қарорлари, буйруқлари, Вазир ва унинг ўринбосарларининг топшириклари ўз вактида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) ёшлар сиёсати ва спорт соҳасига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

7) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни таксимлаш, ҳудудий бўлинмаларнинг бошка мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Вазирлик ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик килиш учун ўз ўринбосарлари ва бошка мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

8) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва ўз ўринбосарларининг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

9) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бўлинмаларнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

10) Вазирлик марказий аппарати номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, ҳудудий бўлинмаларга ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионал, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишлаш хусусиятларига ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

11) ҳудудий бўлинмалар ходимларини, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

12) ҳудудий бўлинмалар ходимлари томонидан Вазирлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишини таъминлаш;

13) ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳудудий бўлинмалар тизимида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

14) прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда ҳудудий бўлинмалар томонидан ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Вазирликка киритиш;

15) ҳудудий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

16) ҳудудий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Вазирликка киритиш;

17) ҳудудий бўлинмалар таркибига кирадиган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

18) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатларда ва тартибда аҳоли

билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

19) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган барча мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

20) ҳудудий бўлинмалар ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни тақдирлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифларни Вазирликка киритиш;

21) давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

## 5-боб. Ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг жавобгарлиги

10. Ҳудудий бошқармалар бошлиги:

1) Ҳудудий бошқармаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган Ҳудудий бошқармаларнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

11. Ҳудудий бошқармалар бошлигининг ўринбосари:

1) Бошқарманинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг тегишли равишда 9-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

12. Ҳудудий бошқармаларнинг марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

1) тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

2) ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳудудий бошқармаларнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## 6-боб. Ҳудудий бошқармалар фаолиятини ташкил этиш

### 1-§. Ҳудудий бошқармалар раҳбарияти

13. Қуйидаги ҳудудий бошқармалар раҳбарияти, яъни:

Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазирини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш – Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири (бундан буён матнда вазир деб юритилади) билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан;

ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда вазир томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ҳудудий бошқармалар марказий аппаратининг бўлимлари, идоравий мансуб ташкилотларнинг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди.

### 2-§. Ҳудудий бошқармалар марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

15. Ҳудудий бошқармалар марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

16. Ҳудудий бошқармалар марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари идоравий мансуб ташкилотлари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилиб:

1) топшириқларни идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

2) идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

3) идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

4) идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар ўрганилишини ташкил этади;

5) идоравий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар кўради;

6) идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади.

17. Идоравий мансуб ташкилотлари ҳудудий бошқарма марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

1) ҳудудий бошқармалар раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради;

2) фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

3) ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда ҳудудий бошқармаларнинг марказий аппаратига тақдим этади;

4) ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, шу жумладан, аҳолининг мавжуд долзарб муаммоларини бартараф этиш юзасидан ҳудудий бошқармаларнинг марказий аппаратига таклифлар киритади;

5) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

6) ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида ҳудудий бошқармага хабар беради.

18. Ҳудудий бошқармалар марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар ҳудудий бошқарма бошлиғининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Агар кўрсатиб

ўтилган кўриб чиқишдан кейин келишмовчиликлар тартибга солинмаса, у бўйича қарор бевосита бошқарма бошлиги томонидан қабул қилинади.

### 3-§. Ҳудудий бошқармаларнинг бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги

19. Ҳудудий бошқармалар ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

20. Ҳудудий бошқармалар тегишли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

21. Ҳудудий бошқармаларнинг фаолиятига вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари, вазир ўринбосарлари вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари томонидан мутасаддилик қилинади.

## 7-боб. Ҳудудий бошқармалар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари

22. Ҳудудий бошқармалар фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланиши лозим.

23. Ҳудудий бошқармалар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигига берилган баҳолар вазир томонидан тасдиқланадиган ҳудудий бошқармалар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторларига асосланади.

24. Ҳудудий бошқармалар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Ҳудудий бошқармалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Ҳудудий бошқармалар фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Ҳудудий бошқармалар фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва методикаси қонунчилик ҳужжатларига кўра белгиланади.

### 8-боб. Ҳудудий бошқармаларни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

25. Ҳудудий бошқармаларни молиялаштириш, моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари, бюджетдан ташқари жамгармалар, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблаглар ҳисобига амалга оширилади.

26. Қорақалпогистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларига 1 та шахсий бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспорт воситаси лимити ажратилиши назарда тутилади.

27. Ҳудудий бошқармалар ходимларининг иш ҳақи қонунчиликда назарда тутилган лавозим маоши, мукофот пуллари, қўшимча тўловлар, устамалар ва рагбатлантириш тўловларидан ташкил топади.

Ҳудудий бошқармалар ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар Ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ тўланади.

28. Ҳудудий бошқармалар ходимларини қўшимча моддий рагбатлантириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама тўланади (рагбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда):

1 йилдан 3 йилгача – 0,3;

3 йилдан 5 йилгача – 0,6;

5 йилдан 10 йилгача – 0,8;

10 йилдан 15 йилгача – 1,0;

15 йилдан 20 йилгача – 1,2;

20 йилдан юқори – 1,5.

Бунда, кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама тўловлари коэффициентини ҳисоблашда, ҳудудий бошқарма ходимларининг мулкчилик шаклидан қатъи назар (якка тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаган давридан ташқари), барча ташкилотлардаги расмий меҳнат фаолияти даври ҳисобга олинади.

2) Вазирлик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Спортни қўллаб-кувватлаш жамгармаси ҳисобидан:

а) ҳудудий бошқармалар, шунингдек, унинг тизимидаги ташкилотлар ходимларини қўшимча рағбатлантиришга;

б) ташаббускорлик ва меҳнат натижалари бўйича ҳар ойда шахсий устама тўловлари лавозим маошининг (устама ва рағбатлантириш коэффициенти ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун устамани ҳисобга олган ҳолда) – икки юз эллик фоизигача бўлган миқдорда;

в) хизмат вазифаларини сидқидилдан бажарганлиги, ижро интизомига риоя этилганлиги, ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси ва хизмат вазифаларини самарали бажариш тизимини жорий этганлиги ҳамда моддий жавобгарлиги юқори бўлган ходимларга ҳар чоракда лавозим маошининг (устама ва рағбатлантириш коэффициенти ҳамда кўп йиллик ишлаганлик учун устамани ҳисобга олган ҳолда) – икки юз фоизигача бўлган миқдорда;

г) жамоа шартномасига мувофиқ меҳнат натижалари билан боғлиқ бўлмаган компенсация тўловлари ва бир йўла бериладиган мукофотларга йўналтирилади.

29. Ҳудудий бошқармалар фаолияти (шу жумладан, ходимларни моддий рағбатлантириш) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ходимлари учун белгиланган тартибда таъминланади ва молиялаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий бош бошқармалар раҳбарлари (ходимлари) учун даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан ва бюджетнинг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан қўшимча моддий рағбатлантириш турларини (устама ҳақ, қўшимча ҳақ, мукофотлар ва иш ҳақига бошқа тўловлар) белгилаш ҳуқуқига эга.

30. Ҳудудий бошқармалар ходимларига иш ҳақи тўлаш манбалари меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардан иборат.

## 9-боб. Ҳудудий бошқармаларнинг вазирликка ҳисобот бериши

31. Ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ҳудудий бошқармаларнинг фаолияти тўғрисида вазирликка мунтазам равишда ҳисобот беради.

32. Вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари, вазир ўринбосарлари вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлими бошлиқлари томонидан ҳудудий бошқармаларга юкланган вазифалар самарали бажарилиши учун улар фаолияти устидан мунтазам равишда мониторинг олиб боради, ҳудудий бошқармалар фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

33. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича ҳудудий бошқармаларнинг алоҳида ўрнак кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

## 10-боб. Жамоат ташкилотлари

34. Ҳудудий бошқармаларнинг касаба уюшмаси жамоат ташкилоти ҳисобланиб, у амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилади.

35. Ҳудудий бошқармаларнинг жамоат ташкилоти жисмоний тарбия ва спорт бўйича ишларни яхшилаш, жамоада ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштириш, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, масъулиятларини шакллантириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этади.

## 11-боб. Якунловчи қоидалар

36. Ҳудудий бошқармаларни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

37. Мазкур вақтинчалик Низомда акс эттирилмаган масалалар юзасидан вужудга келган муаммоли вазиятлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

38. Ҳудудий бошқармаларнинг низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уни тасдиқлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70-А/F-сонли буйругига
15-илова

# Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисида вақтинчалик НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва масъулияти, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Агентлик Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, ўз номи ёзилган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Агентликнинг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар ишлари агентлиги, қисқартирилган номи – Ёшлар агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Youth Affairs Agency under the Ministry of youth policy and sports of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – Youth Affairs Agency;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по делам молодежи при Министерстве молодежной политики и спорта Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Агентство молодежи.

8. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 11Б-уй.

## 2-боб. Агентликнинг тузилмаси

9. Агентлик тизимига қуйидагилар киради:

Агентликнинг марказий аппарати;

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар бўлимлари (кейинги ўринларда – ҳудудий бўлинмалар);

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти;

10. Ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари юридик шахс ташкил этган ҳолда фаолият юритади.

## 3-боб. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш;

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларга оид истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш;

ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш.

12. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш соҳасида:*

ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни тизимли амалга оширади,

ёшлар ўртасида танлов, фестивал, форум, мусобақа ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

ёшлар, ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, танловлар ташкил этади ва ўтказади;

ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

*б) ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш соҳасида:*

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшлар учун белгиланган ижтимоий кафолатлар бўйича ишлар ҳолатини мунтазам равишда ўрганади, уларни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради;

ногиронлиги бўлган ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

*в) ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:*

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш чораларини кўради;

ёшлар ўртасида беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

*г) ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:*

давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширади;

*д) ёшларга оид истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш соҳасида:*

ёшларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари, ташаббуслари, илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

*е) ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш соҳасида:*

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинлар, нотиқлик мусобақалари, чет тилларда мунозара ва учрашувлар ўтказади;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга қаратилган лойиҳаларга грантлар ажратади;

интеллектуал ўйинлар ва улардаги иқтидорли иштирокчилар ҳақидаги маълумотларнинг электрон платформага киритилишини таъминлаш ва интеллектуал ўйинлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб боради.

13. Агентлик худудий бўлинмаларининг худудларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган асосий вазифалари ва функциялари Агентлик директори томонидан белгиланади.

## 4-боб. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

### 1-§. Агентликнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

14. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши бўйича қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини, зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ходимлари иштирокида ўрганиш;

Агентлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан таклифлар киритиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ёшларга оид давлат сиёсати масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари ва ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;

ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритиш;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш бўйича лойиҳаларни саралаб олиш учун танловлар эълон қилиш ва танлов комиссияларини тузиш;

таркибий ва ҳудудий бўлинмаларда ички назорат, коррупцион ҳуқуқбузарликлар ва қонунларга зид бошқа ҳаракатлар, шунингдек, Агентлик тизими ходимлари томонидан касбий ахлоқ қоидалари бузилишининг олдини олиш ҳамда профилактикасини амалга ошириш;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотларга йўналтириладиган Давлат бюджети молиявий ресурсларини тақсимлашда иштирок этиш;

вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат банкларининг депозитларига жойлаштириш ва олинган даромадларни мустақил равишда тасарруф этиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш ва ёшлар масалаларини ёритиш учун матбуот органларини таъсис этиш;

ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида Агентлик ва унинг идоравий тузилмаларига тегишли давлат мулкини белгиланган тартибда бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бир ҳудудий бўлинмадан бошқасига топшириш;

биноларга хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналар, хўжалик жиҳозлари, автотранспорт, алоқа воситалари, компьютер ва ташкилий техникаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, дастурий таъминотни харид қилиш учун белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Агентлик идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўриш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Агентликнинг ижтимоий инфратузилмасини барпо этиш ва такомиллаштириш.

Агентлик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Агентлик ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши юзасидан жавобгар бўлади.

## 2-§. Агентлик ҳудудий бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

16. Агентлик ҳудудий бўлинмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ёшларга оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини, шу жумладан, ҳудудларда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг ёшлар масалалари билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари, ҳайъатларида иштирок этиш;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш.

17. Агентлик ҳудудий бўлинмалари қуйидаги мажбуриятларга эга:

ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари, Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари топшириқлари, шунингдек, ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

ёшлар соҳасидаги республиканинг тегишли дастурлари ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳолати тўғрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этиш.

## 5-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

18. Қуйидагилар Агентлик директорининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг буйруқ ва фармойишлари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича танқидий таҳлиллар ўтказиш;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда таркибий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ истиқболдаги кўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар билан Агентлик фаолиятига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишлари ва Раёсати мажлисларида, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари кўрсатмаларини бажариш;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасидаги мажбуриятларни тақсимлаш, Агентликнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, Агентлик фаолиятининг маълум бир соҳаларини бошқаришда ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Агентликнинг фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, даврий иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат

бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ–6166-сон Фармони, "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида" 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори, 2021 йил 31 майдаги "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ–5132-сон қароларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг тизимли равишда малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик тизимида ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар кадрлари захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, Агентликка ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги ва ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳузурида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқариш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур бўлганда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорлар қабул қилиш;

Агентликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўринбосарлари, ҳудудий бошқармалар ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижаларини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, Агентлик йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалар асосида зарур чоралар кўриш;

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

Агентлик ходимларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринбосарларини рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, эгаллаб турган лавозимларда кейинчалик қолишининг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклифлар киритиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимлари томонидан давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланган Агентлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

Агентлик, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг ишларини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этишни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний

ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ самарали ташкил этиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ўзаро алоқани ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Агентлик раҳбарияти ва ходимларининг фаол иштирокини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қилган ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, Ўзбекистон Республикаси судларида, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакат вакиллари иштирокида ўтказиладиган расмий тадбирларда Агентлик номидан иштирок этиш;

Агентлик марказий аппарати ходимлари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

Агентлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлинмалари ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар ва фармойишлар қабул қилиш ҳамда кўрсатмалар бериш;

Агентлик тизимида фаолият юритаётган ходимларни рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этиш, шунингдек, соҳа тармоқларини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни фахрий ёрлиқлар ҳамда бошқа рағбатлантиришлар билан тақдирлаш;

Агентлик мол-мулкини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

Агентлик ходимларини ҳамда ҳудудий бошқарма ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларини тизимли равишда тайёрлаш ва хорижий мамлакатларда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш.

19. Қуйидагилар директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари талабларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиш;

директор вақтинча бўлмаганда, тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг ўзи назорат қиладиган идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларнинг режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича директорга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

соҳага оид масалалар бўйича Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий чоралар кўриш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни директорга киритиш;

ўзи назорат қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича директорга таклиф киритиш, функционал вазифалар ва юкланган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш;

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан ушбу қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

давлат хизматлари самарадорлигини, улардан эркин фойдаланишни ва уларни кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ишларини самарали ташкил этиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

ўз фаолияти соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, касбий таълим муассасаларининг ўқув даражаси ва сифатини тубдан оширишга кўмаклашиш, кадрларни, шу жумладан, хориждаги илгор илмий-тадқиқот муассасалари ва таълим марказларида тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

жумладан, соҳа йўналишлари бўйича:

а) **директорнинг биринчи ўринбосарининг асосий вазифалари**:

маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ишлаш, уларни методологик таъминлаш;

ёшларнинг бўш вактини мазмунли ташкил этиш ва Беш ташаббус лойиҳаларини мувофиклаштириш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

ёшлар ўртасида соглом турмуш тарзини таргиб қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

б) **директор ўринбосарининг асосий вазифалари:**

"Ёшлар баланси" тизимини такомиллаштириб бориш;

"Ёшлар дафтари" тизимининг самарали юритилиши ва мувофиклаштирилишини таъминлаш;

ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида IT лойиҳаларини ривожлантириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш;

в) **директор ўринбосарининг асосий вазифалари**:

таълим муассасаларидаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш;

ёшлар ўртасида волонтёрликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш;

ёшларга оид истиқболли гоялар ва ёшлар медиа лойиҳаларини қўллаб-кувватлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш;

19[1]. Агентлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган фаолиятларидан келиб чиқиб, қуйидагилар директор ўринбосарларининг мақсадли вазифалари ҳисобланади:

1) **директорнинг биринчи ўринбосари** (маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ишлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалалари бўйича):

маҳалладаги ёшлар етакчилари билан ишлаш, уларни методологик таъминлаш, малакасини ошириш ва самарали фаолият юритишига кўмаклашиш;

маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, Беш муҳим ташаббус доирасидаги ишларни тизимли равишда мувофиқлаштириш орқали ёшлар қамровини кенгайтириш;

ёшларни Ватанга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш;

ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини оширишга қаратилган лойиҳа ва тадбирлар ташкил этиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

2) **Директор ўринбосари** (ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида IT лойиҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича):

“Ёшлар баланси”ни шакллантириш ва ушбу тизимнинг доимий такомиллашиб боришини таъминлаш;

“Ёшлар дафтари”ни тизимли равишда юритиш, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида IT лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ёшларга, шунингдек, IT-парк резидентининг ўқувчиси ёки битирувчиси бўлган ёшларга истеъмол кредити орқали компьютер харид қилиш учун кафиллик бериш ҳамда мазкур кредитларнинг фоиз тўловларини компенсация қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

3) **Директор ўринбосари** (таълим муассасаларидаги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлаш, интеллектуал ўйинлар ва волонтёрликни ривожлантириш ҳамда ёшларнинг истиқболли ғоялари ва медиа лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича):

халқаро таълим дастурлари (имтиҳонлар) бўйича юқори балл тўплаган иқтидорли ёшларга имтиҳон топшириш харажатларини қоплаб бериш;

ёшларнинг хорижий тилларни ўрганишлари учун янада кенгроқ имконият яратиш;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш;

таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар билан ишлаш, уларни волонтёрлик фаолиятига жалб этиш ҳамда ёшлар ташкилотларида волонтёрлик клублари ва гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйиш;

ёшларга оид истиқболли гоялари ва ёшлар медиа лойиҳаларини қўллаб-кувватлаш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш;

ёшлар муаммоларини тадқиқ қилиш ишлари самарадорлигини ошириш, социологик тадкикотлар ўтказиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.

20. Қуйидагилар Агентлик марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

тегишли бўлинма фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, ушбу бўлинмага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Агентликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Агентликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни директорнинг тегишли ўринбосарига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида” ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори, 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими

самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5132-сон қароларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари ва фармойишлари, унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Агентлик ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва методик ёрдам бериш;

таркибий бўлинмалар фаолияти соҳаларига оид қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда директор ўринбосарларига таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, касбий малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

таркибий бўлинмалар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, таркибий бўлинмаларда тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини директор томонидан кўриб чиқилиши ва имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ва ўз вақтида Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасининг аппаратида кўриб чиқилишида Агентлик раҳбарияти топширигига асосан иштирок этиш;

таркибий бўлинмага тақдим этилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

таркибий бўлинмалар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Агентлик ходимларининг Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий бўлинмаларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ кўриб чиқиш, жамоатчилик билан бевосита ва очиқ мулоқот ўрнатиш, шахсан қабул қилишни мунтазам равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини жойларга бориб қабул қилишни белгиланган муддатларда ва тартибда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида" 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

иш юритиш соҳасидаги намунали ходимларни аниқлаш ва мукофотлаш юзасидан Агентлик раҳбариятига таклифлар киритиш.

21. Қуйидагилар Агентликнинг ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Агентликнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ушбу бошқармаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарори, 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5132-сон қароларига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ҳайъати қарорлари, директорнинг буйруқлари, фармойишлари ва унинг ўринбосарлари кўрсатмалари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Агентлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ходимларнинг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимларини бошқаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш;

ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назоратини таъминлаш;

ҳудудий бошқармаларда ва туманлар (шаҳарлар) бўлимларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳудудий бошқармалар кадрлар захирасини шакллантириш;

Агентлик раҳбари номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, ҳудудий бошқармаларга ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чоралар кўриш;

ҳудудий бошқармалар ходимларининг ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ҳудудий бошқармаларда, давлат архивлари ва уларнинг филиалларида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил қилиш ҳамда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг бўлинмалари ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Агентликка киритиш;

ҳудудий бошқармалар ходимлари ва туманлар (шаҳарлар) бўлимлари раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

ҳудудий бошқармалар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш,

шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан эркин фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чиқиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равишда шахсан, шу жумладан, сайёр қабуллар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

ҳудудий бошқармалар ходимларининг лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Агентликка таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, судларда ва ташкилотларда Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва уларнинг бўлинмалари манфаатларини ифода этиш.

## 6-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

22. Агентлик директори:

мазкур Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан Агентликка юкланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Агентлик ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегия ва концепцияларда кўзланган натижаларга эришилиши, уларнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга таъсири;

Агентлик тизимида ижро интизомига қатъий риоя этилиши учун жавобгар бўлади.

23. Агентлик директорининг ўринбосарлари:

ишониб топширилган йўналишлар ва соҳалар бўйича вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши ҳамда натижадорлиги;

мутасаддилик қилинаётган йўналишлар бўйича соҳаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга оид чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавобгар бўлади;

ушбу Низомнинг 19 ва $19^1$-бандларида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун жавобгар бўлади.

24. Агентлик ҳудудий бўлинмаларининг бошлиқлари:

юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли бажарилишини ташкил этиш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунчилик, Агентлик раҳбарларининг топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳолати тўғрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш юзасидан жавобгар бўлади.

## 7-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

### 1-§. Агентлик раҳбарияти

25. Агентликка Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

Агентлик директорининг ўринбосарлари, шу жумладан, биринчи ўринбосари Агентлик директори тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

26. Агентликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари раҳбарлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

### 2-§. Агентлик ҳайъати, бошқа маслаҳат, консультатив ва эксперт органлари

27. Агентликда директор (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек, унинг фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи ҳудудий бўлинма ва идоравий мансуб, таркибий тузилмалар раҳбарларидан ва жамоатчилик вакилларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби Агентлик директори тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

28. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Агентлик фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида

белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Агентлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда таркибий ва ҳудудий тузилмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

тизимли равишда Агентлик фаолияти соҳасидаги ҳудудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

Агентлик фаолияти доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишни таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган, шу жумладан, жойларда сайёр мажлисларини ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Агентлик марказий аппарати ва унинг тизимига кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Агентлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Агентлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш;

ҳайъат Агентлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишга ҳақлидир.

29. Ҳайъат мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

30. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

31. Ҳайъат қарорлари директорнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

32. Директор ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, директор юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ўз фикрини хабар қилиши мумкин.

33. Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламенти билан белгиланади.

34. Агентлик ҳузурида директор (Кенгаш раиси), Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, жамоатчилик ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳамда фаол ёшлардан иборат таркибда ёшлар

масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда – Жамоатчилик кенгаши) ташкил этилади.

Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг сони, шахсий таркиби ва низоми Агентлик директорининг буйруги билан тасдиқланади.

Кенгаш раисига Жамоатчилик кенгаши мажлисида қабул қилинган қарор асосида унинг шахсий таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш, шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга тўсқинлик қилаётган муаммоли масалаларни муҳокама қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча кафолатларни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурий ҳужжатларнинг амалий ижроси механизмларини танқидий кўриб чиқиш;

ёшларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқишда, шу жумладан, ишлаб чиқилаётган ва Агентликка кўриб чиқиш учун киритилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда хулосалар бериш;

Агентликка юкланган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашиш.

## 8-боб. Агентлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

35. Агентлик фаолияти мунтазам баҳолаб борилади.

36. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тегишли мезонлар ва ишчи индикаторларга асосланади.

37. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

38. Агентлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услуби Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 9-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва унинг ходимларини моддий рағбатлантириш

39. Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари ходимларининг иш ҳақи қонунчиликда назарда тутилган лавозим маоши, қўшимчалар, устамалар ва бошқа рагбатлантирувчи тўловлардан ташкил топади.

Агентликнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари ходимларига узоқ муддат хизмати учун ҳар ойда қуйидаги миқдорда устама ҳақ тўланади (рагбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошига нисбатан коэффициент ҳисобида):

1 йилдан 3 йилгача – 0,5;

3 йилдан 5 йилгача – 0,8;

5 йилдан 10 йилгача – 1,0;

10 йилдан 15 йилгача – 1,2;

15 йилдан ортиқ – 1,5.

40. Агентлик марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмалари ходимларининг узоқ муддат хизмати учун ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи, Агентлик томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

40[1]. Ҳудудларда янги маҳаллалар ташкил этилганда Агентликнинг тегишли туман (шаҳар) бўлимига қўшимча маҳалладаги ёшлар етакчиси штат бирлиги ажратилади ва уларни сақлаш харажатлари (моддий-техник таъминоти, иш ҳақи, лавозим маоши, қўшимчалар, устамалар ва бошқа рагбатлантирувчи тўловлар) Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратиладиган қўшимча маблаглар ҳисобидан амалга оширилади.

## 10-боб. Агентликнинг ҳисобот бериши

41. Агентлик раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий тузилмалари, Вазирлар Маҳкамаси ва Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига ҳисобот беради.

42. Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига Агентлик раҳбарларининг фаолиятининг юкланган вазифаларнинг улар томонидан самарали бажарилиши бўйича доимий мониторингини олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигини холисона баҳолайди.

43. Мониторинг ва баҳолаш натижаларига кўра Агентликнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш чоралари кўрилади, жиддий камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан эса, тегишли жавобгарлик чоралари қўлланилади.

## 11-боб. Якунловчи қоида

44. Агентлик қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70 - А/Ғ-сонли буйругига
16-илова

# Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари тўғрисида вақтинчалик намунавий
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик намунавий низом Ёшлар ишлари агентлигининг Қорақалногистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларининг (кейинги ўринларда – Ҳудудий бошқарма) фаолиятини ташкил этиш, ҳудудий бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ташкилий тузилмаси ва бошқаруви, бошқарма бошлигининг функционал вазифалари, жавобгарлиги, ҳудудий бошқарма фаолиятини баҳолаш, ҳисоботи, ходимларни моддий рағбатлантириш масалаларини тартибга солади.

2. Ҳудудий бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017-сон ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4768-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 сентябрдаги 550-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Вақтинчлик низомга асосан ташкил этилган.

3. Ҳудудий бошқарма Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик деб юритилади) таркибига киради, ўз фаолияти бўйича Агентликка бўйсунади ва ҳисобдор ҳисобланади.

4. Ҳудудий бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек ушбу Вақтинчалик низомга асосан амалга оширади.

5. Ҳудудий бошқарма Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил тузилмаси бўлиб, оператив бошқарувида ўзига хос махсус

мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиш хуқуқига эга, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашади.

Ҳудудий бошқарма ўз балансига, газначиликда очилган ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга ҳамда ўз фаолияти учун зарур бошқа белгилар ва реквизитларга эга бўлади.

**2-боб. Ҳудудий бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар ҳудудий бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни таргиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳукукий ҳимоясини ташкил этиш;

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳукукий саводхонлигини оширишга каратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларга оид истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш;

ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш.

7. Ҳудудий бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) *ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш соҳасида:*

ёшларнинг ижодий кобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга бўлган интилишини қўллаб-кувватлашга каратилган чора-тадбирларни тизимли амалга оширади,

ёшлар ўртасида танлов, фестивал, форум, мусобака ва бошка тадбирларни ташкил этади;

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

ёшлар, ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, танловлар ташкил этади ва ўтказади;

ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

б) *ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш соҳасида:*

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшлар учун белгиланган ижтимоий кафолатлар бўйича ишлар ҳолатини мунтазам равишда ўрганади, уларни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради;

ногиронлиги бўлган ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

в) *ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:*

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш чораларини кўради;

ёшлар ўртасида беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

г) *ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:*

давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширади;

д) *ёшларга оид истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш соҳасида:*

ёшларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари, ташаббуслари, илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

е) *ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш соҳасида:*

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинлар, нотиқлик мусобақалари, чет тилларда мунозара ва учрашувлар ўтказади;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга қаратилган лойиҳаларга грантлар ажратади;

интеллектуал ўйинлар ва улардаги иктидорли иштирокчилар ҳакидаги маълумотларнинг электрон платформага киритилишини таъминлаш ва интеллектуал ўйинлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб боради.

## 3-боб. Ҳудудий бошқарманинг ҳуқуқлари

8. Ҳудудий бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ёшларга оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини, шу жумладан, ҳудудларда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмаларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

ўзига тегишли мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларининг ёшлар масалалари билан боглиқ мажлислари, йигилишлари, ҳайъатларида иштирок этиш;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чикиш учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ҳудудий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юкори малакали мутахассисларини жалб килиш.

## 4-боб. Ҳудудий бошқарма бошқаруви

9. Ҳудудий бошқармани бошқариш бошлиқ томонидан амалга оширилади. Бошлиқ Агентлик директори томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

10. Ҳудудий бошқарма бошлигининг ўринбосари Агентлик директори билан келишилган ҳолда ҳудудий бошқарма бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосарининг, шунингдек, ҳудудий бошқарма ходимларининг вазифалари ҳудудий бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланади.

Ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосари ҳудудий бошқарма бошлигининг буйруқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди ҳамда ўзига юклатилган топшириқ ва вазифаларни бажариш учун шахсан жавобгардир.

Ҳудудий бошқарма бошлиги бўлмаган вақтда унинг ваколатлари бошлиқ ўринбосари томонидан амалга оширилади.

11. Қуйидагилар ҳудудий бошқарма бошлигининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, ёшлар сиёсати ва спорт вазири, Агентлик Ҳайъати ва раҳбариятининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, топшириқлари ва кўрсатмалари билан ушбу бошқармаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Агентлик ҳайъати ва раҳбариятининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ушбу бошқармаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижроси таъминланиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий

ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўгрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорларига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон карорига мувофик топширикларнинг ўз вактида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

ҳудудий бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқ фармойишлар қабул қилиш ҳамда туман (шаҳар) бўлимларига кўрсатмалар чиқариш;

ҳудудий бошқарма фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ҳудудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

ҳудудий бошкарма ходимлари ва туман (шаҳар) бўлимлари бошликлари билан конунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш;

ходимларнинг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, ҳудудий бошқармалар ва туманлар (шаҳарлар) бўлимларини бошкаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш;

ҳудудий бошкарма ва туман (шаҳар) бўлимлари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳар чораклик иш режаларини тасдиклаш, уларнинг бажарилиши назоратини таъминлаш;

ҳудудий бошкарма ходимлари ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда колиши максадга мувофиклигига доир масалаларни кўриб чикиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чоралар кўриш;

ҳудудий бошкарма ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимларининг одоб-ахлок коидалари талабларига риоя килишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ худудий бошқармада ва туман (шаҳар) бўлимларида, давлат архивлари ва уларнинг филиалларида коррупция ва бошка ҳукукбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил килиш ҳамда худудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлинмалар ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Агентликка киритиш;

худудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

худудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлари ходимлари фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан эркин фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда кўриб чикиш учун Агентлик раҳбариятига киритиш;

худудий бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимлар ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижаларини тизимли равишда танкидий таҳлил килиш, худудий бошқарма йиғилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалар асосида зарур чоралар кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равишда шахсан, шу жумладан, сайёр қабуллар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

худудий бошқарма ходимлари ва туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларига устамалар, қўшимча тўловлар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Агентликка таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, судларда ва ташкилотларда Агентликнинг ҳудудий бошқарма манфаатларини ифода этиш.

12. Ҳудудий бошқарма бошлиги:

юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли бажарилишини ташкил этиш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари, ёшлар сиёсати ва спорт вазири, Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари топшириқлари, шунингдек, ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли ҳудудда ёшлар соҳасидаги республиканинг тегишли дастурлари ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳолати тўғрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этиш юзасидан жавобгар бўлади.

## 5-боб. Ҳудудий бошқарманинг фаолиятини молиялаштириш

13. Қуйидагилар ҳудудий бошқарма фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ҳудудий бошқарма молиявий маблағларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

14. Ҳудудий бошқарманинг бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига молиявий таъминланадиган харажатлар сметаси қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади.

15. Ҳудудий бошқарма мол-мулкини ижарага бериш Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини ижарага бериш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳудудий бошқарма Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу низом қоидаларига мувофиқ равишда шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш масалаларини мустақил равишда ҳал этади.

16. Ҳудудий бошқарманинг моддий-техник базасига унга тегишли бўлган ер майдонлари, маъмурий бинолар, коммуникация, транспорт воситалари

ва асбоб-ускуналар, шунингдек, асосий фондлар, айланма маблағлар, молиявий ресурслар ва унинг мустақил балансида акс этган бошқа моддий қийматликлардан иборат.

17. Ҳудудий бошқарманинг моддий-техник базасини жиҳозлаш ва такомиллаштириб бориш Агентлик томонидан белгиланадиган моддий-техник таъминлашнинг нормативлари асосида амалга оширилади.

18. Ҳудудий бошқармага битта енгил автомобил учун лимит ажратилади.

19. Ҳудудий бошқарма ходимлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари тегишлича Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ҳудудий бошқармаси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларидан бир погона паст миқдорда қўлланилади.

20. Ҳудудий бошқарма ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари, йиллик таътил даъвомийлиги, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари мувофиқ амалга оширилади.

## 6-боб. Ҳудудий бошқарманинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи

21. Ҳудудий бошқарма Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботларни олиб боради.

Ҳудудий бошқарма бош ҳисобчиси қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Ҳудудий бошқарма бош ҳисобчиси тўғридан-тўғри ҳудудий бошқарма бошлигига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш масалалари бўйича эса Агентлик марказий аппаратининг Молия-иқтисод бошқармасига бўйсунади.

22. Ҳудудий бошқарма молиявий, хўжалик ва ҳуқуқий фаолиятини текшириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 7-боб. Ҳудудий бошқарма фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

23. Ҳудудий бошқарма фаолияти Агентлик томонидан мунтазам баҳолаб борилади.

24. Ҳудудий бошқарма фаолиятини баҳолаш тегишли фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг (энг муҳим кўрсаткичларига оид) ўлчанадиган индикаторларга асосланади.

25. Ҳудудий бошқарма фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Ҳудудий бошқарма раҳбари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

Ҳудудий бошқарма фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

## 8-боб. Ҳудудий бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш

26. Мазкур Вақтинчалик низомга ўзгартириш ва қўшимчалар ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг буйруғи билан киритилади.

27. Ҳудудий бошқарма фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

28. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланадилар.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг
2023 йил “31” январдаги
01/70 - А/Ғ-сонли буйругига
17-илова

# Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимлари тўғрисида вақтинчалик намунавий НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик намунавий низом Ёшлар ишлари агентлиги туман (шаҳар) бўлимларининг (кейинги ўринларда – бўлим) фаолиятини ташкил этиш, унинг асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ташкилий тузилмаси, фаолиятини ташкил этиш масалаларини тартибга солади.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017-сон ва 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Фармонлари, “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ–4768-сон ва “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ–92-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 сентябрдаги 550-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур Вақтинчалик низомга асосан ташкил этилган.

3. Бўлим Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкилий тузилмаси таркибига киради, ўз фаолияти бўйича Агентликнинг ҳудудий бошқармаси бўйсунади ва ҳисобдор ҳисобланади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлигининг норматив-ҳукукий ҳужжатларига, шунингдек ушбу Вақтинчалик низомга асосан амалга оширади.

5. Бўлим Агентликнинг юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил тузилмаси ҳисобланиб, оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳукукларни

амалга ошириш, зиммасига мажбурият олиш хуқуқига эга, судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашади.

Бўлим ўз балансига, газначиликда очилган ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга ҳамда ўз фаолияти учун зарур бошқа белгилар ва реквизитларга эга бўлади.

## 2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш;

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларга оид истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш;

ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) *ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини қамраб олган бешта муҳим ташаббусни кенг жорий этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш соҳасида:*

ёшларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, маданият ва санъатга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни тизимли амалга оширади,

ёшлар ўртасида танлов, фестивал, форум, мусобақа ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

ёшлар, ёш оилалар ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини белгилайди ва амалга оширади, танловлар ташкил этади ва ўтказади;

ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб вояга етказиш мақсадида улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга оширади;

б) *ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш соҳасида:*

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган, шу жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшлар учун белгиланган ижтимоий кафолатлар бўйича ишлар ҳолатини мунтазам равишда ўрганади, уларни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради;

ногиронлиги бўлган ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

в) *ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:*

ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини ёшлар орасида оммалаштириш чораларини кўради;

ёшлар ўртасида беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий сўровлар ўтказади ва натижаси бўйича тегишли тадбирларни белгилайди;

г) *ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:*

давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширади;

д) *ёшларга оид истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлиги ва тадбиркорлигига кўмаклашиш соҳасида:*

ёшларнинг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалари, ташаббуслари, илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда ёшларнинг ижодий, интеллектуал ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшларни тадбиркорликка ва касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

е) *ёшларнинг интеллектуал ривожланишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш соҳасида:*

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинлар, нотиклик мусобақалари, чет тилларда мунозара ва учрашувлар ўтказади;

ёшлар ўртасида интеллектуал ўйинларни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришга қаратилган лойиҳаларга грантлар ажратади;

интеллектуал ўйинлар ва улардаги иқтидорли иштирокчилар ҳақидаги маълумотларнинг электрон платформага киритилишини таъминлайди ва интеллектуал ўйинлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб боради.

## 3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ёшларга оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини, шу жумладан, маҳаллий ҳудуддаги ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллий бўлинмаларидан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

ўзига тегишли мол-мулкни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари маҳаллий бўлинмаларининг ёшлар масалалари билан боғлиқ мажлислари, йиғилишлари, ҳайъатларида иштирок этиш;

ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг маҳаллий бўлимлари, шунингдек, илмий ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш.

9. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

тегишли маҳаллий ҳудудда ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари, ёшлар сиёсати ва спорт вазири, Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари

топшириқлари, шунингдек, ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли маҳаллий ҳудудда ёшлар соҳасидаги республиканинг тегишли дастурлари ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурлари билан ўзаро боглиқ ҳолда ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳолати тўгрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этиш юзасидан жавобгар бўлади.

## 4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлимни бошқариш бошлиқ томонидан амалга оширилади. Бошлиқ Агентликнинг ҳудудий бошқармаси бошлиги томонидан Агентлик марказий аппарати тавсиясига асосан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

11. Бўлим ходимлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Бўлим бошлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бўлим ходимларининг вазифалари ҳудудий бошқарма бошлиги томонидан тасдиқланади.

Бўлим бошлиги ҳудудий бошқарма бошлигининг буйруқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди ҳамда ўзига юклатилган топшириқ ва вазифаларни бажариш учун шахсан жавобгардир.

12. Қуйидагилар бўлим бошлигининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, ёшлар сиёсати ва спорт вазири, Агентлик Ҳайъати ва раҳбариятининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, топшириқлари ва кўрсатмалари билан ушбу Бўлимга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

бўлим фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ёшлар сиёсати ва спорт вазири, Агентлик ҳайъати ва раҳбариятининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ушбу бўлимга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

бўлим фаолияти билан боглиқ прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

маҳалладаги ёшлар етакчиси фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижроси таъминланиши, ижро интизоми мустаҳкамланиши бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўгрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорларига ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ходимларнинг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича буйруқ ва фармойишлар кабул килиш;

бўлим фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик килиш;

бўлимда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш чораларини кўриш;

бўлим ходимлари ва маҳалладаги ёшлар етакчилари билан қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор килиш;

ходимларнинг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш, бўлимни бошқаришда мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш;

бўлим фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назоратини таъминлаш;

бўлим ходимлари ва маҳалладаги ёшлар етакчиларини рагбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, шу жумладан, улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир

масалаларни кўриб чикиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чоралар кўриш;

бўлим ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ туман (шаҳар) бўлимида, давлат архивлари ва уларнинг филиалларида коррупсия ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳукукни кўллаш амалиётини ва конунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичларнинг бажарилишини мунтазам таҳлил килиш ҳамда ушбу кўрсаткичларга сўзсиз эришишини таъминлашга каратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича таклифларни Агентликнинг ҳудудий бошқармасига киритиш;

бўлим ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йигилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

бўлим ходимлари фаолиятига оид масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан эркин фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чикиш ҳамда кўриб чикиш учун Агентликнинг ҳудудий бошқармасига киритиш;

бўлим ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижаларини тизимли равишда танқидий таҳлил килиш, бўлим йигилишларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, натижалар асосида зарур чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик килиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ–4904-сон Фармони ижросини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чикиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, мунтазам равишда шахсан, шу жумладан, сайёр қабуллар ўтказиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқиш;

бўлим ходимларига устамалар, қўшимча тўловлар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Агентликнинг ҳудудий бошқармасига таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида, судларда ва ташкилотларда бўлим манфаатларини ифода этиш.

15. Бўлим бошлиги:

юкланган вазифа ва функцияларнинг сифатли бажарилишини ташкил этиш;

тегишли маҳаллий ҳудудда ёшларга оид қонунчилик ҳужжатлари, ёшлар сиёсати ва спорт вазири ва Агентлик раҳбарлари топшириқлари, шунингдек, ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

тегишли маҳаллий ҳудудда ёшлар соҳасидаги республиканинг тегишли дастурлари ва соҳаларни ривожлантириш бўйича дастурлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда маҳаллий ҳудудни ривожлантириш дастурларининг белгиланган тартибда ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тегишли маҳаллий ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳолати тўғрисида Агентликка ҳаққоний таҳлилий ва бошқа ахборотни тақдим этиш юзасидан жавобгар бўлади.

## 5-боб. Бўлимнинг фаолиятини молиялаштириш

16. Қуйидагилар Бўлим фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бўлим молиявий маблағларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

17. Бўлимнинг бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига молиявий таъминланадиган харажатлар сметаси қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланади.

18. Бўлим мол-мулкини ижарага бериш Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини ижарага бериш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига ва ушбу низом қоидаларига мувофиқ равишда шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш масалаларини мустақил равишда ҳал этади.

19. Бўлимнинг моддий-техник базасига унга тегишли бўлган ер майдонлари, маъмурий бинолар, коммуникация, транспорт воситалари ва асбоб-ускуналар, шунингдек, асосий фондлар, айланма маблағлар,

молиявий ресурслар ва унинг мустақил балансида акс этган бошқа моддий қийматликлардан иборат.

20. Бўлимнинг моддий-техник базасини жиҳозлаш ва такомиллаштириб бориш ҳар йили харажатлар сметасига мувофиқ ажратилган маблағлар доирасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириб борилади.

21. Бўлим ходимлари ва маҳалладаги ёшлар етакчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари, йиллик таътил даъвомийлиги, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари мувофиқ амалга оширилади.

## 6-боб. Бўлимнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи

22. Бўлим Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботларни олиб боради.

Бўлим бош бухгалтери қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Бўлим бош бухгалтери тўғридан-тўғри Бўлим бошлиғига, бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш масалалари бўйича эса Агентлик ҳудудий бошқармасининг бухгалтерия бўлимига бўйсунади.

23. Бўлим молиявий, хўжалик ва ҳуқуқий фаолиятини текшириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 7-боб. Бўлим фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

24. Бўлим фаолияти Агентлик томонидан мунтазам баҳолаб борилади.

25. Бўлим фаолиятини баҳолаш тегишли фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг (энг муҳим кўрсаткичларига оид) ўлчанадиган индикаторларга асосланади.

26. Бўлим фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Бўлим раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки уларга нисбатан интизомий жазо чоралари;

Бўлим фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

## 8-боб. Бўлимни қайта ташкил этиш ва тугатиш

27. Мазкур Вақтинчалик низомга ўзгартириш ва қўшимчалар ёшлар сиёсати ва спорт вазирининг буйруғи билан киритилади.

28. Бўлим фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Ушбу Вақтинчалик низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланадилар.